Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 181 (20. 149) • 1988 йил 9 август, • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ

ҚАЙТА ҚУРИШНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЖЎШҚИН СИЁСИЙ КУЧ

КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси турмушимиздаги сўнгги уч йилни тўла ҳуқуқ билан бурилиш йиллари дейиш мумкин, деган хулосага келди. Бутун ижтимоий муҳит ўзгарганлиги, янгиланиш ғоялари моддий тус ола бошлаганлиги, партиянинг қайта қуриш йўлини совет халқи тобора кучлироқ қўллаб-қувватлаётгани — 1985 йил апрелидан кейинги даврнинг асосий сиёсий якунидир.

Ҳозирги бурилиш босқичида КПСС жамиятнинг раҳбар кучи сифатидаги функциялари ва вазифаларини тўла ҳажмда амалга оширишни ҳал қилувчи роль ўйнайди. Конференцияда таъкидланганидек, партиянинг раҳнамолик фаолияти бўлмаса, унинг сиёсий йўли амалга оширилмаса, қайта қуриш вазифаларини ҳал этиб бўлмайди. Акс ҳолда қайта қуриш сиёсий жиҳатдан ҳам, идеологик жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам барбод бўлади. Партиянинг муваффақиятли фаолияти эса коммунистлар активлигининг ошиши, бошланғич партия ташкилотлари ишининг қайта қуриш асосида яхшиланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Партиянинг негизи — бошланғич ташкилот меҳнат коллективининг сиёсий ўзаги бўлиб, меҳнаткашлар ўртасида бевосита иш олиб боради, уларни партия теварагига жипслаштиради, коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга уюштиради, партиянинг кадрлар сиёсатини ўтказишда актив қатнашади. Бошланғич ташкилот КПСС Уставида таърифланган ана шу даражада бўлиши учун партияда принципиаллик, ошкоралик, мунозаралар, танқид ва ўз-ўзини танқид, онгли интизом, партиявий биродарлик ва қатъий шахсий масъулият, ишчанлик вазиятини тўла-тўкис тиклаш керак. Партия ташкилотларидаги жараён ҳозир худди шу йўналишда авж олдирилаётирки, конференция ҳам ана шу жараёнларни қатъиян қўллаб-қувватлади, улар учун чексиз майдон очиб бериш зарурлигини уқтирди. Маълумки, турғунлик даврида бу жиҳатлар деярли унутилаётган ва бунинг оқибатида партия ташкилотлари жанговарлиги ниҳоятда сусайиб кетган эди.

Революцион ўзгартишлар даври ишлаётган жойидаги ишларнинг аҳволи учун, қайта қуришга шахсий ҳиссаси учун, ўз коллективининг фаолияти учун ҳар бир коммунистнинг масъулияти ғоят юқори бўлишини тақозо этмоқда. Ҳозир ҳар биримиздан қайта қуриш вазифаларини амалга ошириш соҳасида иш қилиш, реал ҳаракатни амалга ошириш талаб этилади. Бугунги кунда коммунистларнинг авангардлик роли иш билан исботланиши керак.

Ҳозир Ўзбекистонда 660 мингдан ортиқ КПСС аъзоси ва аъзоликка кандидатларни ўзига уюштирган 21200 та бошланғич партия ташкилоти бор. КПСС Марказий Комитетининг «Партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент область партия ташкилотининг ишидаги жиддий камчиликлар тўғрисида» қабул қилган қарори республика партия ташкилотлари учун муҳим дастурламал бўлди. Шу қарорни амалга ошира бориб, жойларда партияга қабул қилиш ишларини тубдан қайта қуриш, партия сафлари софлиги учун курашни кучайтириш, коммунистлар авангардлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Сариосиё районидаги Калинин номли колхоз партия ташкилоти хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, меҳнатчилар кўпроқ ва яхшироқ ишлашларига эришиш учун партиявий таъсир кўрсатиш воситаларидан оқилона ва изчил фойдаланмоқда. Бу ерда одамлар активлигини кучайтиришга қаратилган партиявий-сиёсий тадбирлар комплекси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, инсон омили имкониятларига кенг йўл очиб берилмоқда. Ҳар бир ишлаб чиқариш бўғинини партиявий куч билан мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга бошчилик қилиш, барча бўғин раҳбарларини тайёрлашнинг истиқболли плани амал қилаётгани, активликни ошириш мақсадида ҳар бир коммунист билан яккама-якка суҳбатлашиш, оддий колхозчилар хўжаликни бошқариш ишига жалб этилаётгани ва бошқалар тадбирлар комплекси бўйича қилинаётган юмушлардир.

Янгийўл пойабзал фабрикаси партия ташкилоти қайта қуришнинг муҳим вазифаларидан бири — маҳсулот сифатини яхшилаш масаласига эътиборни кучайтирган. Ташкилот ҳар қадамда коммунистлар куч-ғайратини сифат масаласига қаратяпти. Ҳар бир цех, участка, бригада партиявий таъсир билан қамраб олинган. Барча бригадаларда партия ташкилотчиси бор, ҳар бир бригада составидаги коммунист орқали партия бюроси ишлаб чиқариш коллективидаги ишлар аҳволидан воқиф бўлиб туради.

Республикамизда ўз фаолиятини қайта қуриш талаблари асосида ташкил эта бориб, ижобий натижаларга эришаётган бундай бошланғич партия ташкилотлари оз эмас. Шу билан бирга ўз ишини қайта қуриш талаблари даражасига кўтаришда сусткашлик қилаётган, бир жойда депсиниб турган, коммунистлари қайта қуриш бизга етиб келгани йўқ, деб шикоят қилаётган ташкилотлар ҳали кўпдир. Чунончи, Фарғона тўқимачилик комбинатининг Бешариқдаги йигирув-тўқув фабрикаси партия ташкилотида партиявий таъсир ўтказиб, ишлаб чиқаришни юксалтириш, социал масалаларни ҳал этиш, кадрлар малакасини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтариш каби муҳим масалаларга лозим даражада эътибор берилмаяпти. Бу ерда партия йиғилишларини пухта тайёрламаслик, уларда «штатли» нотиқларгина минбарга чиқиши, конкрет фойдали фикр айтиш ўрнига сафсатабозлик қилиш, қабул этилган қарорларнинг конкрет ижрочиси ва ижро муддатлари белгиланмаслиги, йиғилишлар кун тартибига жиддий масалаларни киритиш устида бош қотирмаслик каби турғунлик даври иллатларидан ҳанузгача халос бўлинмаган. Ёки Андижон машинасозлик заводи партия ташкилотида КПСС сафларига қабул ва ёш коммунистлар билан ишлашда жиддий нуқсонлар бор. Киров районидаги «Искра» колхози парткоми ҳузуридаги комиссиялар фаолияти ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганки, улар хўжаликдаги ишлар аҳволига самарали таъсир ўтказмайдилар.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ана шундай пассив ташкилотлар, фаолиятсизлик кўрсатаётган коммунистлар хусусида шундай ибратли мулоҳаза юритди: «Қайта қуришга қаратилган сиёсий йўл съездда белгиланди ва маъқулланди. Ишнинг энг муҳим йўналишлари Марказий Комитет Пленумларининг қарорларида баён этиб берилди. Турмушнинг турли соҳаларига оид қонунлар қабул қилинди. Партияда ва жамиятда ошкоралик вазияти вужудга келтирилди, ташаббус, мустақиллик, гражданлик позицияси табрикланаётир ва рағбатлантирилаётир. Кўпгина коммунистлар, комсомоллар ва партиясизлар ўз қалблари амри билан социалистик янгиланиш учун курашнинг турли участкаларида актив иш олиб бораётирлар. Баъзилари эса ниманидир кутиб ўтиришибди. Эски касал: кўрсатма кутиш иллати ўз таъсирини кўрсатаётир. Кўрсатмалар бор-ку, ўртоқлар, коммунистларни қўлидан етаклаб юриш ярашадими, ахир».

Конференция қайта қуриш жараёни бошланганидан бери рўй берган ижобий силжишларни қайд этиш билан бирга, ҳали иқтисодий, социал ва маданий тараққиётда туб бурилишга эришилмаганини таъкидлади. Бу Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1988 йил биринчи ярми плани бажарилиши якунларидан ҳам кўриниб турибди. Республикада хўжалик фаолияти ва социал тараққиётнинг асосий йўналишларида туб бурилишга эришилмади. Тўсқинлик қилиш механизми ҳали бутунлай тугатилмаган. Тармоқ ва умумиқтисодий министрликлар ҳамда идоралар бошқарувнинг иқтисодий методларини ўзлаштира олмадилар, ўз иш услубларини ўзгартира олмадилар. Меҳнатни ташкил этишда ҳақ тўлаш, иқтисодий иш масалаларида ҳали ҳам катта нуқсонлар мавжуд. Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари 98,8 процент бажарилди, 117 миллион сўмлик маҳсулот кам етказиб берилди. Аграр соҳада ҳам жиддий ўзгаришлар бўлмади. Озиқ-овқат маҳсулотлари мўлжалланганидан камроқ етиштирилди.

Вазифа — йўл қўйилган катта камчиликлар ва нуқсонлар сабабларини пухта аниқлашдан ва Бутуниттифоқ партия конференцияси йўл-йўриқларидан келиб чиқиб, экономиканинг ҳамма соҳаларида хўжалик юритиш даражасини оширишдан иборат. Бунинг учун бошланғич партия ташкилоти иқтисодий ва социал тараққиёт вазифаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг ташкилотчиси бўлиб майдонга чиқиши, планларни, социалистик мажбуриятларни бажариш мақсадида ишлаб чиқаришни интенсивлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибани кенг жорий этиш мусобақасига маҳорат билан бошчилик қилиши зарур. Шунингдек, меҳнатчиларни ички резервларни қидириб топишга сафарбар этиш, уларни материал, меҳнат ва молия ресурсларидан оқилона, тежамли фойдаланишга йўллаб, жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш ҳақида қайғуриш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, инсон омили имкониятларини тўла рўёбга чиқариш партия ташкилоти диққат марказида турадиган масалалар сирасидандир.

Ошкоралик ва демократиялаш омманинг сиёсий, меҳнат активлигини оширмоқда. Ана шу йўлга ғов бўладиган бюрократизм, маҳаллийчилик, маҳкамачиликка танқид ва ўз-ўзини танқидни авж олдириш асосида барҳам бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузишга, давлатни алдашга уринишларга муросасизлик муҳитини яратиш, ходимларни иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялаш партия ташкилотларининг муҳим бурчидир.

Кўриниб турибдики, партиямиз иқтисодий ва социал сиёсатининг бирон бир масаласи йўқки, у бошланғич партия ташкилотининг кундалик фаолиятисиз амалга оширилсин. Шунинг учун ҳам партия ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларини коммунистлар, партия ташкилоти ўз-ўзини талабчанлик билан текширишдан ўтказиш тадбирига жамият олдидаги масъулиятли имтиҳонга айлантиришлари керак. КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳар биримиз топширилган ишни қандай бажараётганимиз, қайта қуришга қандай ҳисса қўшаётганимиз, қайта қуришни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги сўзлар ҳаммада ҳам амалий иш билан мустаҳкамланаётирми ёки йўқми — шулар тўғрисида ошкора ва рўй-рост, чинакам партиявий гап бўлиши зарурлигини уқтирди.

Партия ташкилотларининг сермеҳнат, аммо шарафли фаолиятига партия бюролари ва комитетлари, уларнинг секретарлари бошчилик қилишади. Коллективдаги маънавий-сиёсий муҳит, тарбиявий ишнинг самарадорлиги, партия ташкилотининг жанговарлиги, қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетмаслиги кўп жиҳатдан секретарга боғлиқ. Бу талабларни бажариш учун секретарнинг яхши ижрочи бўлишигина кифоя қилмайди. У янгиликни дарҳол пайқай олиш, қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат кишисига ғамхўр бўлиш, масъулиятни ўз устига олишга тайёр туриш, соғлом танқид ва ўз-ўзини танқидга йўл очиб бериш, хўжалик маъносидаги ҳар бир қадам, тадбир замирида сиёсий ва социал маънони кўра билиш фазилатларига эга бўлиши керак. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар партия бюролари ва комитетлари составига, уларга секретарь сифатида бошчилик қилишга ана шундай фазилатларга эга бўлган коммунистлар сайланишига эришишлари даркор.

Бошланғич партия ташкилотлари ишининг мудом яхшиланиб бориши, уларга бошчилик қиладиган секретарлар фаолиятининг самарадорлиги область, шаҳар ва район ташкилотларининг кундалик амалий ёрдамлари, қўллаб-қувватлашларига ниҳоят даражада боғлиқдир.

Бошланғич ташкилот ҳар бир меҳнат коллективининг таркибий қисми бўлиб, жамият турмушида партия доимо иштирок этаётганлигининг тимсолидир. Буни ташкилот секретари, шу ташкилотга уюшган коммунистлар ҳамиша ёдда тутишга бурчлидирлар.

СОВЕТ СТАТИСТИКАЧИЛАРИГА

Бундан 70 йил муқаддам — 1918 йил 25 июлда Совет ҳукумати Давлат статистикаси тўғрисида декрет қабул қилган эди. В. И. Ленин имзолаган бу тарихий ҳужжатда социалистик давлатда статистика органларининг ташкилий асослари ҳамда улар фаолиятининг вазифалари белгилаб берилган эди.

Совет ҳокимияти йилларида статистика ташкилотларининг кенг тармоғи вужудга келтирилди ва ишлаб турибди. Улар замонавий ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган бўлиб статистика фани соҳасидаги энг янги ютуқлардан фойдаланиб ишламоқда.

Партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленуми мамлакатда статистика ишини тубдан яхшилаш, уни туб иқтисодий ислоҳот талабларига мувофиқ қайта қуриш ва халқ хўжалигига раҳбарлик системасида статистика органларининг ролини оширишдан иборат масъулиятли вазифани қўйди.

Статистика мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгартишларни, иқтисодий ва социал жараёнларни, бошқарув системасини қайта қуриш ва янги хўжалик механизмини жорий этиш қандай бораётганлигини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиши, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг мавжуд резервларини аниқлашга кўмаклашуви лозим. Статистика партия, совет, хўжалик, иқтисодий органларни, илмий-тадқиқот марказлари ва кенг жамоатчиликни ишончли маълумотлар билан ўз вақтида таъминлаб туриши керак. Социалистик демократияни ривожлантириш ва давлат ишларини бошқаришга меҳнаткашларни жалб этиш шароитида статистика ахбороти ошкоралигини ҳар томонлама кенгайтириш Ленин васиятини амалга ошириб, статистикани оммага етказишда алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

СССРда статистика ишини такомиллаштириш ва сифат жиҳатидан янгилашда, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўртага қўйган вазифаларни амалга оширишда барча совет статистика ходимларига муваффақиятлар тилайман.

Н. РИЖКОВ,
СССР Министрлар Советининг Раиси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг 5 август куни бўлиб ўтган мажлисида республикада кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг турини оширишга қаратилган тадбирлар қандай рўёбга чиқарилаётганлиги муҳокама этилди. Бу йил 1987 йилнинг худди шу даврига нисбатан кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайгани, маҳаллий ноанъанавий хом ашё турларидан фойдаланиш ҳисобига шундай маҳсулотларнинг яна 20 тури ишлаб чиқарила бошлангани, йилига 13 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшимча қувватлар ишга туширилгани қайд этиб ўтилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги, Ўзбекбирлашув раҳбар органларнинг қарорларида кўзда тутилганидек кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кескин кўпайтириш ва уларнинг турларини ошириш топшириқларини сўзсиз бажариш учун амалий чоралар кўрмаганликлари уқтириб ўтилди. Масалан, ўтган йили Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети корхоналарининг ўзигина салкам 7 минг тонна маҳсулотни кам берди, бунда корхоналар соҳасини ўзгартириш ва уларни техника билан қайта қуроллантириш ишлари секинлик билан олиб борилмоқда, қувватлар тўла-тўкис ишлатилмаяпти, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга етарлича эътибор берилмаяпти. Президиум аъзолари Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ П. Н. Евсеев билан Ўзбекбирлашув правлениесининг раиси ўртоқ О. М. Маҳмудовнинг кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстириш суръатлари пастлиги тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, уларнинг важларини асоссиз деб топдилар.

Кондитер маҳсулотлари корхоналарида шу йилнинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлардан ниҳоятда кам фойдаланилмоқда. Республика консерва заводлари ярим фабрикатларни оз ҳажмда ишлаб чиқараётганлиги сабабли 1987 йилда шу хом ашёнинг 50 процентга қадари мамлакатнинг бошқа регионларидан олиб келинди, бу йил ҳам ишларнинг аҳволи яхшиланмаяпти. Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети, «Узсортсемовощ» бирлашмаси, Қашқадарё, Сирдарё ва Навоий область ижроия комитетлари ерёнғоқ ва кунжут экиш планининг бажарилишини барбод этиб, тармоқни хом ашё ресурслари билан таъминлашда ғоят кескин аҳволни вужудга келтирдилар. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кооперативлар ташкил этиш масалалари билан етарлича ғайрат кўрсатиб шуғулланмаяптилар.

Президиум Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков), Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлиги (А. Муталов, П. Н. Евсеев ўртоқлар), Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги (ўртоқ Ў. Қ. Исмоилов), Ўзбекбирлашув (ўртоқ О. М. Маҳмудов) раҳбарларининг эътиборини мазкур масалада раҳбар органларнинг қарорларини амалга ошириш борасидаги ижрочилик интизомининг пастлигига қаратди ҳамда улардан кондитер маҳсулотларини тасдиқланган ҳажмлар, турларда ва тегишли сифатда ишлаб чиқариш юзасидан план топшириқлари сўзсиз бажарилиши учун қўшимча чоралар кўришни талаб қилди. Уларга корхоналар реконструкцияси соҳасини ўзгартириш борасида қарорларда 1986—1990 йилларга белгиланган ишларни 1987—1988 йилларда йўл қўйилган қолоқликни эътиборга олиб, аниқ муддатларда ниҳоясига етказиш таклиф қилинди. Ўзбекистон ССР ўрмон хўжалиги министрининг ўринбосари ўртоқ Н. Яхёевнинг эътибори ҳам ўрмон табиий бойликлари имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилаётганига ҳамда ёввойи ёнғоқ, мевали экинлар ва бошқа экинларнинг ҳосилини тайёрлашни кескин ошириш юзасидан конкрет чора-тадбирлар кўриш зарурлигига қаратилди. 1988 йилги иш якунларига кўра мазкур масала хусусида ана шу раҳбарларнинг ҳисоботларини тинглаш зарур деб топилди.

Шу билан бир қаторда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига саноатнинг кондитер тармоғи корхоналаридаги ишларнинг аҳволини пухта билиб олиш, хом ашё ресурслари билан таъминлашда, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини оширишда, реконструкциялаш ҳамда соҳасини ўзгартиришда уларга ҳар томонлама ёрдам бериш топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Госплани фаолиятини қайта қуриш ва ташкилий структурасини такомиллаштириш тадбирлари ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинди. Янги иқтисодий методларнинг жорий этилиши республика Госпланидан унинг иш усуллари ва методларини тубдан ўзгартиришни, иқтисодий, илмий-техникавий, социал ва территориал муаммоларни ҳал этишга ёндашувларнинг илмий асосланишини кучайтиришни, табиий ва демографик шарт-шароитлардан самарали фойдаланишни, Ўзбекистон ССР бутун халқ хўжалиги комплексини жўшқин ва барқарор ривожлантиришни талаб этади, деб таъкидланди масалани муҳокама қилиш чоғида. Унга СССРнинг Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунига тўла мувофиқ ҳолда корхоналар хўжалик мустақиллигини таъминлаш ва меҳнат коллективлари ташаббусини оширишда маҳаллий план органлари ва тармоқ министрликлари ҳамда идоралари план-экономика бўлинмаларига раҳбарлик даражасини кескин ошириш таклиф этилди. Қабул қилинган қарорда республика экономикаси туб масалаларини ҳал этиш, марказий аппарат структурасини қайта қуриш, мутахассисларни танлаш ва тарбиялашни бундан буён яхшилашда Ўзбекистон ССР Госплани коллегияси ва унинг иқтисодий кенгаши роли ва масъулиятини ошириш юзасидан қатор топшириқлар берилди. Аппарат ходимларини 31 процент қисқартириш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди.

Мажлисда республикада табиатни муҳофаза этиш Қонунига риоя қилиш устидан назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР министрликлари ва идораларининг табиат муҳофазаси мавжуд хизматлари базасида ташкил қилинаётган Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитетининг бошқариш схемаси муҳокама қилинди.



Бу йил Риштон районидаги Навоий номли совхозда ғўза парвариши намунали олиб борилмоқда. Хўжаликда ўтказилаётган социалистик мусобақада Н. Ҳакимов бошлиқ бригада пешқадамлик қилаётир. Коллектив 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» териб олишга аҳд қилган.

Суратларда: Н. Ҳакимов ва илғор механизатор Х. Хусанов ҳамда ғўзага ишлов бериш пайти.

У. Қўшвоқов фотолари.

• Мухбиримиз бонг уради

ҚУЛАЙ, ФОЙДАЛИ, ЛЕКИН...

Қашқадарё областида аҳолига пулли хизмат кўрсатишни яхшилашга эътиборни кучайтириш керак

— Эндиликда инсонга нима керак ва унинг эҳтиёжлари қандай қондирилмоқда, деган саволларга жавоб топаяпмиз, — дейди Китоб районидаги Навоий номли совхоз директори Қурбонмурод Ашуров. — Пулли хизматни тобора йўлга қўйиб бормоқдамиз. Шу йилнинг кейинги ойида совхоз ишчиларига 7 минг 988 сўмлик пулли хизмат кўрсатилди. Бунинг 3 минг 960 сўми қурилиш бўлими йўли билан, 1 минг 610 сўми автомобиль хизматидан, қолгани ишчиларга маҳсулот сотишдан келиб тушди.

ДАРҲАҚИҚАТ, пулли хизмат аҳоли эҳтиёжини қондириш аҳолига хизмат кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, унинг сифатини ошириш имконини беради. Шунга қарамай Қашқадарё областида пулли хизматни уюштиришдаги ишлар талаблар даражасида деб бўлмайди. Айрим район ва шаҳарлар, корхона ва ташкилотлар, колхоз-совхозлар бу борада керагича тасаввурга ҳам эга эмас. Бир сўз билан айтганда область бу борада республикада охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Пулли хизмат кўрсатиш салмоғи аҳоли барча ҳаражатларининг 7 процентидан ошмайди. Шу йил февраль ойида ўтказилган республика партия-хўжалик активи йиғилишида бу қаттиқ танқид қилинганди. Хўш, шундан кейин қандай ўзгаришлар юз берди?

Тўғри, ишларда бир мунча силжишлар бор. Қарши, Шаҳрисабз шаҳарлари, Яккабоғ, Косон, Ульянов районларида аҳолига пулли хизмат кўрсатишда дастлабки қўлга киритилган ютуқлар қувонарли, албатта. Маиший хизмат кўрсатиш сифати кун сайин яхшиланмоқда. Аммо, Муборак шаҳри, Нишон, Баҳористон, Шаҳрисабз каби районларда сезиларли ўзгариш рўй бергани йўқ. Аҳолига хизмат кўрсатувчи 150 та ташкилотдан 80 га яқинида ойлик планлар барбод берилмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари планларини 13-қурилиш трести 43,5 процент, Қарши уйсозлик комбинати 33,3 процент, «Средазспецстрой» трестининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси 44 процент, темир-бетон заводи 4,8 процент, «Узторгстрой» трестининг 5-қурилиш-монтаж бошқармаси 20 процент, «Шўртангаз» газ конлари бирлашмаси 24,3 процент, Муборак газни қайта ишлаш заводи 22 процент бажарди, холос. Бунинг ўзи ҳам корхона ва ташкилотлар раҳбарлари пулли хизматни ривожлантиришга масъулиятсизлик билан қараётганликларини кўрсатмоқда.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш секинлик билан ривожланаётир. Маиший хизмат ҳажми жами кўрсатилаётган хизматнинг тенг ярмига ҳам етар-етмасдир. Ҳар йили рўзғорда ўз-ўзига хизмат кўрсатишга область аҳолисининг 5—7 миллион ишчи куни йўқотилмоқда. Область аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси (бошлиғи С. Ниёзматова) кўпгина саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар меҳнат аҳлининг хотиржам самарали меҳнат қилиши ҳақида керагича қайғурмаётир.

Ўтган йиллар Ғузор районидаги «Пачкамар» совхози (директори У. Жумаев), Косон районидаги «Большевик» совхози (директори Х. Шомуродов), Чироқчи районидаги Ильич номли, Охунбобоев номли совхозлар (директорлари А. Жўрақулов, У. Жуманов), Шаҳрисабз районидаги Карл Маркс номли совхоз (директори Ш. Хақназаров), Қамаши районидаги «Партия XXII съезди», Ленин номли колхозларда (раислари Ш. Сатторов, Р. Алиқулов) маиший хизмат уйлари қурилиши барбод берилди. Айрим хўжаликлар эса бунга мослашмаган биноларни ажратиб, ишнинг осон йўлига ўтиб олдилар. Усмон Юсупов, Қамаши, Чироқчи, Деҳқонобод районларида маиший хизмат кўрсатиш даражаси нормадагидан 3-4 баробар паст. Яккабоғ районида 50 дан зиёд қишлоқда маиший хизмат тармоқлари умуман йўқ. Усмон Юсупов районидаги Ғафур Ғулом номли наслчилик заводида маиший хизматга ажратилган маъмурий бино бир йилдан бери бўш турибди.

Областда 170 дан зиёд колхоз ва совхознинг тенг ярмида ҳаммом йўқ. Бу ҳолда пулли хизмат ҳақида гап бўлиши мумкинми? Йўқ албатта.

Пулли хизмат транспорт корхоналарида айниқса, ёмон ташкил этилмоқда. Ҳар бир ишчи ҳисобига йилига 14 сўмлик транспорт хизмати кўрсатиш нормал ҳол эмас. Ҳолбуки, бу кўрсаткич республикада 24 сўмга, Иттифоқда 32 сўмга тенг. Нега аҳвол бундай? Сабаби шуки, область автомобиль трестининг раҳбарлари (бошлиғи Т. Ҳолиқов) автотранспорт паркларида интизом ва талабчанликни бўшаштириб юборганлар. Бундан фойдаланаётган айрим шахслар автобуслардан келаётган тушумни ўз чўнтакларига урмоқдалар. Идораларга қарашли мингдан кўпроқ автобусдан тўлигича фойдаланилмаяпти.

Инсоннинг маданий эҳтиёжларини қондириш, бўш вақтдан оқилона фойдаланишни таъминлашда маданият ва спорт муассасалари роли беқиёс. Афсуски, кўп жойларда маданият уйлари ва саройлари, халқ университетлари фаолияти мутлақо талабга жавоб бермайди. Мавжуд 367 та клубдан кўпчилиги қулфлоғлиқ. Ўнлаб стадион ва спорт заллари бўм-бўш. Булардан пулли хизматда фойдаланилмаяпти. Шунингдек, меҳнаткашларнинг пулли поликлиникалар, тиш қўйиш устахоналари, даволаш ва профилактика муассасалари, аҳоли турар-жойларида хизмат кўрсатишга бўлган талаб қондирилмаяпти.

Шу ўринда Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхоз раиси А. Ҳасановнинг область партия-хўжалик активи йиғилишида айтган сўзларини эслаймиз:

— Колхозимизда аҳолига пулли хизмат кўрсатишга сўнгги вақтларда эътибор кучайтирилмоқда, — деди у. — Бу борада резервларимиз оз эмас. Якка тартибдаги уй-жой қурилишини олиб кўрайлик. Биргина ўтган йили колхоз қурилиш бригадаси томонидан қишлоқ аҳолисига 42 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Бу 1985 йилдагига нисбатан 24 минг сўм кўп. Энди колхоз ҳисобидан пулли транспорт хизмати кўрсатиш ҳам дуруст йўлга қўйилаяпти.

Афсуски, ҳамма раҳбарлар ҳам пулли хизмат қадрига етмаяптилар. Хусусан, агросаноат комплекси корхоналари, колхоз ва совхозлар раҳбарлари бу хизматни ривожлантиришдан ўзларини четга олмоқдалар. Шунинг учун қишлоқларда аҳолига пулли хизмат кўрсатиш шаҳарлардагига нисбатан қарийб икки баробар кам. Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ўлда-жўлда. Ваҳолонки, хизматнинг бу прогрессив тури аҳолининг турли-туман талаб ва эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга.

Пулли хизматни йўлга қўйиш ҳар бир ташкилотнинг бурчидир. Касаба союзлари область совети (раиси М. Гелдиева) аҳолига пулли хизмат кўрсатиш масаласи билан жиддий шуғулланмаяпти. Район касаба союз комитетлари, жойлардаги кўпгина касаба союз ташкилотлари пулли хизматни уюштиришга, меҳнат аҳлига ғамхўрлик кўрсатишдек бу муҳим ишга юзаки қарамоқдалар.

Шунингдек, бошқа жамоат ташкилотлари, фан маориф, медицина муассасалари ҳам бу ишни чинакамига қўлга олганларича йўқ. Шунга кўра бу борадаги топшириқлар уддаланилмаяпти.

Маълумки, пулли хизмат ҳар бир соҳада ҳам қулай, ҳам фойдали. У кишиларнинг руҳиятига таъсир кўрсатади. Куни кеча қабул қилинган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига диққат-эътиборни кучайтириш тўғрисидаги қарорида ҳам социал соҳага эътибор Совет ҳокимияти, партия органларининг обрўсини, одамларнинг кайфиятини кўтариши, уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириши алоҳида кўрсатиб ўтилди. Область партия, совет ва хўжалик органлари раҳбарлари буни сира унутмасликлари зарур.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЎСТЛАРИМИЗ ТАНҚИДИ, МАСЛАҲАТИ, ТАЖРИБАСИ — МУШТАРАК ВАЗИФАГА ХИЗМАТ ЭТСИН!

ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

1—6 август кунлари Ўзбекистонда Озарбайжон ССР, Тожикистон ССР ва Туркманистон ССР ўзаро текшириш делегациялари ишлади. Анъанавий социалистик мусобақадошларимиз республика пахтакорлари, агросаноат комплекси барча тармоқларининг меҳнатчилари планларни ва қабул қилинган мажбуриятларни қандай бажараётганликларини, улар деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришнинг, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси талаблари асосида Озиқ-овқат программасини ҳал этишнинг интенсив омиллари ҳамда ички резервларидан қай йўсинда фойдаланаётганликларини ҳар томонлама таҳлил этдилар.

Илгари хабар қилинганидек, ўзаро текшириш натижалари Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида кўриб чиқилди. Бажарилган ишларнинг якунларини чиқариш чоғида ўзаро текшириш делегацияларининг раҳбарлари берган ахборотларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

«ОҚ ОЛТИН» УЧУН КУРАШДА ЗАРБДОР КУНЛАР

А. Б. НАБИЕВ,
Озарбайжон ССР Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари

Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети, Озарбайжон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига қардошлик саломи ҳамда КПСС XXVII съездининг анъанавий социалистик мусобақаси шу дўстликнинг ёрқин кўринишларидан биридир. Биз Ўзбекистон меҳнатчиларини ўз ишининг зўр миришкорлари деб биламиз, улардан кўп нарсани ўрганиш мумкин.

Республикангиз халқ хўжалиги олдига мураккаб ва кенг миқёсли вазифалар қўйилган, уларни рўёбга чиқаришга дадиллик билан киришиб кетилди: меҳнат унумдорлигини ошириш ярим йиллик плани ортиғи билан адо этилди, деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида дуруст натижаларга эришилди, гўшт, сут ва тухум харид қилиш кўпайди, дон ва сабзавот экиладиган майдонлар кенгайтирилди. Бизда мавжуд маълумотларга кўра, ғалла ўрим-йиғими муваффақиятли ўтказилди — республикада ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ўтган йилгидан 30 процент кўп дон янчиб олинди.

Қардош республикада қандай катта ўзгартишлар содир бўлаётганлигини кўриб ниҳоятда мамнун бўлдик, яна ҳам кўпроқ самара билан ишлашни талаб этмоқда. Биз, масалан, Фарғона областида мана шундай меҳнат ғайрати жўш урганини кўрдик. Бу ерда пахта ҳосилини тўплаш ва сақлаш учун кураш ҳамма йўналишларда олиб борилмоқда. Ишдаги мустақиллик одамларнинг қаддини ростлагандек бўлди. Андижон, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё областларининг кўпгина хўжаликларидаги пахтакорларнинг ишларида биз қайта қуришдаги янгилик куртакларини пайқадик.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усулини кенг қўлланиш тажрибаси алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, уни маъқуллаш керак. Бу усул химиявий усулга қараганда қарийб ўн баравар арзон бўлиб, атрофмуҳитни соғломлаштиришга кўмаклашади.

Жиззах областидаги кўпгина хўжаликларнинг тажрибаси ҳам мароқли бўлиб, бу ердаги пахта далалари ижара пудратига топширилган.

Қайта қуриш барча бўғин раҳбарларини социал масалаларга ғоят жиддий эътибор беришга мажбур қилди. Биз бўлган областларда уй-жойлар, қишлоқ медицина муассасалари, болалар боғчалари ва бошқа объектлар интенсив равишда қурилмоқда. Масалан, Фарғона области хўжаликлари 34 та ғишт заводига, шунингдек, ёғочсозлик цехларига эга, қурилиш бригадалари ва кооперативлари ташкил этилган.

Чорвачилик фермаларининг ишида, сабзавот, мева, узум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда кўпгина ижобий намуналар борки, бунга асосан меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини жорий қилиш ҳисобига эришилган. Биз кейинчалик шу тажрибадан ўзимизда фойдаланиш учун уни эътибор билан ўрганишга ҳаракат қилдик. Шундай илм учун ўзбек дўстларимизга чин қалбдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

Аммо фақат ютуқлар тўғрисида гапириш ўртоқларга хос иш бўлмас эди. Текшириш чоғида биз қўпгина нуқсонларга дуч келдик. Биз бўлган барча областларда жуда яхши парвариш қилинган далаларнинг ёнида ривождан орқада қолган ғўза майдонларини кўриш мумкин. Маҳаллий тупроқ ўз хусусиятларига эга, албатта. Аммо битта умумий шарт бор. У ҳам бўлса ҳосил етилгунга қадар ғўзани зўр бериб парвариш қилиш зарур.

Фарғона областининг Бувайда ва Қува районлари ёнма-ён жойлашган бўлишига қарамай, улардаги тафовутлар яққол кўзга ташланади: биринчи районда чеканкани аллақачон ниҳоясига етказишган, иккинчисида эса биз борган вақтда бу ишни фақат 60 процент адо этишган экан. Бошқа бир мисол. Бизга айтишларича, суғориш учун сув ҳаммага етарли экан. Бироқ Сирдарё коллективи далаларида, Қашқадарё областининг Чўли Бегимқулов номли совхозидан М. Зоиров бригадаси, Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозидан Х. Рўзиев бригадаси далаларида мўл ҳосил етилмоқда. Биз агротехника соҳасида, суғориш усулларида кўпгина ибратли ва фойдали нарсаларни кўрдик.

Деҳқончилик маданияти ошганлиги кишини қувонтиради. Пахта далаларида ўсимликларни ҳимоя қилиш биологик усуллари кенг қўлланилмоқда, механизаторлар ва сувчиларнинг маҳорати яққол кўзга ташланмоқда. Бригада пудрати ва оилавий пудратни оммалаштириш тажрибаси бизда зўр қизиқиш уйғотди, бундай пудрат кўпгина коллективларнинг меҳнат самарадорлигини анча оширишларига имкон беради. Озуқа ишлаб чиқаришда ижобий тенденциялар намоён бўлди. Социал масалаларга катта эътибор берилмоқда.

Бироқ, камчилик ва нуқсонлар борки, биз уларни жойларда рўй-рост айтдик. Бухоро область Пешку районидаги «Октябрь» ва Шофиркон районидаги Иброҳим Мўминов номли колхозларда, Қашқадарё областидаги Куйбишев номли ва Сальвадор Альенде номли совхозларда ғўзани чеканка қилиш ҳамда суғориш ишлари кечиктириб юборилмоқда, далаларни бегона ўт босган. Маълумки, август ойи ялпи ҳосил тўпланадиган ойдир. Шу боисдан ҳамма жойда чеканкани тугаллашга, культивацияни давом эттиришга, далаларни тозалашга, уларни машина теримига тайёрлашга ҳаракат қилиш керак эди.

Аммо Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областининг баъзи хўжаликларида чеканка ҳали тугалланмаган, далаларда техника ва одамлар оз, айрим жойларда суғориш кечиктирилмоқда, бегона ўт кўп. Беда ўрим-йиғимидаги қолоқлик жиддий ташвиш уйғотмоқда. Раҳбарлар ва мутахассислар камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чораларни кўрмаяптилар. Бу зонадаги хўжаликлар пахта териш техникасини тайёрлашда ҳам орқада қолмоқдалар. Белгиланган марраларга эришиш учун аҳволни мумкин қадар қисқа муддат ичида тузатиш зарур. Булардан ташқари хом ашёни қуритиш учун майдончалар барпо этиш ва ремонт қилишни ниҳоясига етказиш, тайёрлов пунктлари ва пахта заводларини тартибга келтириш лозим.

Республикангиз пахтачиликда катта илмий потенциалга эга. Бироқ биз кўпгина хўжалик ходимларидан янги яхши ғўза навларининг йўқлигидан қаноатланмай, айтган сўзларини эшитдик. Биз ҳам бу ишдан манфаатдормиз, керакли навлар етишмаётганлигини ўткир ҳис этиб турибмиз.

Делегациянинг барча аъзолари номидан қардошлик ҳис-туйғулари, меҳмондўстлик учун самимий миннатдорчилик изҳор этиб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, белгиланган барча режаларни рўёбга чиқаришда янги-янги меҳнат муваффақиятларига эришувингизни тилаймиз.

ҚАЙТА ҚУРИШ ТАЛАБ ЭТАЁТГАНИДЕК МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК

Х. Н. НАСРИДДИНОВ,
Тожикистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри

Биз бу ерга меҳрибон қўшниларимиз, қадрдон ва ишончли дўстларимиз ҳузурига келдик, КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш борасида улар билан қўлни-қўлга бериб ишламоқдамиз, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли равишда рўёбга чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари барча турларини етиштиришни янада кўпайтириш соҳасида умумий ишни бажармоқдамиз. Ўзбек деҳқонлари билан биз аллақачонлардан буён мустаҳкам ҳамдўстлик алоқалари боғлаганмиз. Бу алоқалар ўзаро орттирилган тажриба, умумий куч-ғайратлар асосида қийинчиликларни бартараф этишга, олға томон ҳаракат қилиш йўлларини дадилроқ танлаб олишга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов бошчилигидаги республикангиз делегацияси яқинда Тожикистонга борганлиги тожик ва ўзбек халқлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ҳамда дўстликни мустаҳкамлашга даҳлдор турли масалаларни ҳал этишга сифат жиҳатдан янгича ёндашишдан далолат беради. Барча соҳаларда — экономика, маданият, интернационал тарбия соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг янги йўллари белгиланди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорлари биздан яхшироқ, яна ҳам кўпроқ самара билан ишлашни талаб этмоқда. Биз, масалан, Фарғона областида мана шундай меҳнат ғайрати жўш урганини кўрдик. Бу ерда пахта ҳосилини тўплаш ва сақлаш учун кураш ҳамма йўналишларда олиб борилмоқда. Ишдаги мустақиллик одамларнинг қаддини ростлагандек бўлди. Андижон, Жиззах, Сирдарё ва Сурхондарё областларининг кўпгина хўжаликларидаги пахтакорларнинг ишларида биз қайта қуришдаги янгилик куртакларини пайқадик.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усулини кенг қўлланиш тажрибаси алоҳида эътиборга сазовор бўлиб, уни маъқуллаш керак. Бу усул химиявий усулга қараганда қарийб ўн баравар арзон бўлиб, атроф-муҳитни соғломлаштиришга кўмаклашади.

Жиззах областидаги кўпгина хўжаликларнинг тажрибаси ҳам мароқли бўлиб, бу ердаги пахта далалари ижара пудратига топширилган.

Қайта қуриш барча бўғин раҳбарларини социал масалаларга ғоят жиддий эътибор беришга мажбур қилди. Биз бўлган областларда уй-жойлар, қишлоқ медицина муассасалари, болалар боғчалари ва бошқа объектлар интенсив равишда қурилмоқда. Масалан, Фарғона области хўжаликлари 34 та ғишт заводига, шунингдек, ёғочсозлик цехларига эга, қурилиш бригадалари ва кооперативлари ташкил этилган.

Чорвачилик фермаларининг ишида, сабзавот, мева, узум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришда кўпгина ижобий намуналар борки, бунга асосан меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини жорий қилиш ҳисобига эришилган. Биз кейинчалик шу тажрибадан ўзимизда фойдаланиш учун уни эътибор билан ўрганишга ҳаракат қилдик. Шундай илм учун ўзбек дўстларимизга чин қалбдан миннатдорчилик изҳор этамиз.

Аммо фақат ютуқлар тўғрисида гапириш ўртоқларга хос иш бўлмас эди. Текшириш чоғида биз қўпгина нуқсонларга дуч келдик. Биз бўлган барча областларда жуда яхши парвариш қилинган далаларнинг ёнида ривождан орқада қолган ғўза майдонларини кўриш мумкин. Маҳаллий тупроқ ўз хусусиятларига эга, албатта. Аммо битта умумий шарт бор. У ҳам бўлса ҳосил етилгунга қадар ғўзани зўр бериб парвариш қилиш зарур.

Фарғона областининг Бувайда ва Қува районлари ёнма-ён жойлашган бўлишига қарамай, улардаги тафовутлар яққол кўзга ташланади: биринчи районда чеканкани аллақачон ниҳоясига етказишган, иккинчисида эса биз борган вақтда бу ишни фақат 60 процент адо этишган экан. Бошқа бир мисол. Бизга айтишларича, суғориш учун сув ҳаммага етарли экан. Бироқ Сирдарё областининг Гулистон, Ильич ва Ворошилов районларидаги хўжаликларда далаларнинг бир қисмидаги ғўзалар чанқатиб қўйилган, бошқаларида эса кўллатиб суғорилган, бу эса гул ва кўсакларнинг талайгина қисми тўкилиб кетишига олиб келган.

Фарғона областидаги катта-катта майдонларда ғўзанинг «Тошкент-6» нави парвариш қилинмоқда, бу нав деҳқонларнинг барча куч-ғайратларига қарамай, биринчи сорт тола бермайди. Хўжаликларнинг планларида эса камида 60 процент биринчи сорт пахта топшириш кўзда тутилади. Пахтакорлар ҳар тоннада ўрта ҳисобда 110 сўмдан бой бермоқдалар. Масалан, Энгельс номли элита-уруғчилик совхози ўтган йили 342 минг сўм маблағни ололмай қолди, область бўйича эса умуман кўрилган зарар салкам 30 миллион сўмни ташкил этди. Ўз ҳаражатини-ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтилиши муносабати билан алоҳида аҳамият касб этаётган бу масалани ғоят жиддий равишда кўриб чиқиш керак.

Ҳозир кўплар терим техникасининг номукаммаллиги тўғрисида гапиришмоқда. Бизнинг механизаторларимиз ҳам шундай даъво қилмоқдалар. Янги механик подборщик ҳам зарур.

Айрим хўжаликларда емхашак тайёрлаш дурust ташкил этилган. Областлар бўйича назар ташланган тақдирда эса манзара анча ноxуш. Андижонликлар, фарғоналиклар, жиззахликлар орқада қолишмоқда. Сурхондарё областида силос учун маккажўхори майдонларининг атиги 36 процентидан йиғиштириб олинган. Бойсун, Шеробод районларининг маккажўхорикорлари ўрим-йиғимда чаққонлик кўрсатмаяптилар, Сариосиё ва Олтинсой районларининг хўжаликларида эса экинлар яхши парвариш қилинмаганлиги сабабли кўк массадан ниҳоятда паст ҳосил олинган. Сирдарё областининг Ворошилов, Ильич, Боёвут районларидаги колхоз ва совхозларда беда экилган майдонлар жуда ҳам сийраклашиб кетган.

Сирдарё областининг Боёвут ва Оқолтин районларидаги хўжаликларда ем-хашак етиштиришни кўпайтириш имкониятлари бор. Аммо чорвачиликда эса олға ҳаракат йўқ. Бу — ишлаб чиқариш маданиятининг пастлиги, қўл меҳнатидан фойдаланиш, баъзан чорвадорларнинг энг оддий турмуш шароитлари йўқлиги натижасидир. Подаларда сигирлар жуда кам. Масалан, Сирдарёдаги «Фарғона» совхозида жами қорамоллар структурасида соғин сигирлар атиги 28 процентга боради.

Камчиликлар тўғрисида кўп гапириш мумкин. Аммо эндиликда сўз эмас, балки амалий ишлар даркор. Партия конференциясида, КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленумида бутун халқ хўжалигини тубдан қайта қуришнинг катта программаси белгиланган. Олдимизда катта ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни, албатта, ҳал этишимизга ишончимиз комил.

ПАХТАКОРЛАРНИНГ МАҚСАДИ ЯГОНА

А. И. ЧОРИЕВ,
«Главкаракумстрой» бошқарувчиси

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ва КПСС Марказий Комитети 1988 йил июль Пленуми қарорлари мамлакатда ўтаётган янгиланиш ва қайта қуриш жараёнига янги қудратли омил бахш этди. Бу Туркманистондан келган ўзаро текшириш бригадамизнинг Ўзбекистонда олиб борган иши давомида ҳам тасдиқланди.

Тўртта группа Тошкент, Самарқанд, Навоий ва Наманган областларида бўлди. Ҳамма ерда қизиқарли суҳбатлар бўлди. Бу учрашувлардан чиқарган асосий хулосамиз шундай: Ўзбекистон деҳқонлари самарали меҳнат иштиёқида ташаббус ва омилкорлик билан ҳаракат қилмоқдалар, ерни меҳр билан ардоқламоқдалар. Навоий область Қизилтепа районидаги «Ўзбекистон» колхозида биз К. Келдиёров бошлиқ оилавий пудрат звеносининг пахта даласига бордик. Бизнинг «Қандай яшаяпсиз ва ишлаяпсиз?» деган саволимизга у ўзи ёзган шеърлар билан жавоб берди: деҳқоннинг қалби куйлаяпти ҳозир, қўлларимиз меҳнат иштиёқида... Шеърларимиз ўз-ўзидан қуйилиб келаяпти.

Кўпчилик хўжаликларда сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева-чева жадал суръатда йиғиштириб олинмоқда, ем-хашак тайёрланмоқда. Пахтадан яхшигина ҳосил тўпланган, бу айрим хўжаликлар 33-35 центнердан ҳосил олишларига имкон беради. Олдинда эса яна бир ой бор: жадал меҳнат қилиш керак. Шу даврда ғўзалар парваришини кучайтириш, яна энг камида икки марта комплекс ишлов бериш лозим.

Ғўза парваришининг сифати хусусида таниқидий мулоҳазаларимиз ҳам бор, албатта. Чунончи, Навоий областида чеканка ўтказиш муддатларини чўзиб юборганлар. Август ойи бошларида пахта экилган майдонларнинг 60 проценти чеканка қилинган. Бу қолоқликни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди, бинобарин, бу йилги мавсумда ғўзалар ўтган йилга нисбатан анча илдам ривожланмоқда.

Кўпгина хўжаликларни ёш ва ғайратли мутахассислар бошқараётганлигига эътибор бердик. Улар коммунист-раҳбарнинг: «Куч-ғайратларни аямай ишлаш керак» деган асосий имтиёзидан тўла фойдаланаётирлар. Навоий область Навбаҳор районининг ёш коммунистлар Б. Маҳмудов ва С. Раҳимов раҳбарлик қилаётган Навоий номли ва «Зарафшон» совхозларида хўжаликни рентабелли хўжаликка айлантиришга муваффақ бўлдилар. Биз бу ерда ўзимиз учун кўп фойдали нарсаларни ўргандик. Ўзбекистонликларнинг ўсимликларни ҳимоя қилишда биологик методлардан фойдаланиш, ғўзаларни бир жўяк орқали суғориш тажрибасини ўзимизда кенг ёямиз. Наманган областининг деярли барча хўжаликлари шундай ишлашмоқда. Органик ўғитларни мақсадга мувофиқ тарзда чиқариш ҳисобига ерлар унумдорлигини оширишга интилаётган Тошкент область Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» номли колхознинг иш тажрибасини ўзимизда ҳам қўлламоқчимиз.

Беда яна далаларнинг тўлақонли хўжайини бўлиб қолаётганлигини мамнуният билан қайд этдик. Бироқ навоийлик деҳқонлар алмашлаб экишни ўзлаштириш юзасидан ишларни кучайтиришлари лозим. Бу чорвачиликни жадал ривожлантиришга имкон беради. Чорвачиликда кўп жиддий камчиликлар ва муаммолар йиғилиб қолган. Каттақўрғон бўрдоқичилик комплексининг иши билан қизиқиб танишдик. Самарқанд область Пастдарғом районида суюлтирилган озуқа ачитқиларини тайёрлаш цехига бордик, фермаларда бўлдик. Ўзбек чорвадорлари озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини яхшилаш билан астойдил шуғулланмоқдалар. Колхозлар ва совхозларда шахсий хўжаликларнинг эҳтиёжларига катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Бундай ёндашувда мавжуд муаммолар ҳал этилади.

Делегациямиз аъзолари меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усуллари қандай жорий этилаётганлиги билан алоҳида қизиқдилар. Самарқанд область Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхозининг Н. Тўхлиев бошлиқ маккажўхорикорлар звеносида пудратнинг асл моҳиятини аниқ тасаввур этиб, билимдонлик билан иш юритмоқдалар. Бундай коллективларни бошқа хўжаликларда ҳам учратдик. Лекин пудрат кўпинча оғизда эканлигини, ҳатто энг оддий иқтисодий негизлар ишлаб чиқилмаганлигини рўйрост тан олиш лозим.

Бизнинг Туркманистонда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам қишлоқларда ишчи кучлари ошиб-тошиб ётибди. Очиғини айтиш керак: аҳолини банд қилишдек энг ўткир муаммони ҳал этиш жўн иш эмас. Лекин биз Тошкент районидаги К. Маркс номли колхозда бу муаммони қандай ҳал этиш лозимлигини ўз кўзимиз билан кўрдик: хўжалик консерва заводи, сабзавот сақланадиган омборхона қурмоқда, қуруқ сут ишлаб чиқаришга тайёрланмоқда, кўзиқорин етиштирмоқда. Бу тажрибани кенг ёйиш зарур, кўпроқ кооперативлар, ёрдамчи ҳунармандчилик корхоналари барпо этиш, иш юритишнинг бошқа формаларини қидириб топиш керак.

Республикаларимиз қишлоқ хўжалигида капитал маблағлардан кам нафо олаётганлиги учун адолатли танқид қилиндилар. Шу йилнинг баҳорида Ўзбекистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари Р. Н. Нишонов ва С. А. Ниёзов қўшни Хоразм ва Тошовуз областлари, Қорақалпоғистон АССРдаги, умуман ҳар икки республикадаги ишлар аҳволини биргаликда ўргандилар. Бундай алоқаларни давом эттириш зарур. Улардан ўзаро фойда оламиз.

Бу йил Туркманистонда агросаноат комплексида ижобий ўзгаришлар бошланди. Ялпи маҳсулот ўсиши, меҳнат унумдорлиги ортди. Рентабеллик юқори бўла бошлади. Ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (ҳўл мевадан ташқари) тайёрлаш юзасидан барча топшириқлар бажарилди. Бироқ бу дастлабки қадамлар эканлигини, аграр секторда ҳозирча туб бурилиш рўй бермаганлигини тушунамиз. Ҳозир олдимизда суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ишларни ташкил этиш системасини такомиллаштириш борасида масъулиятли вазифалар турибди. Бундай вазифалар қардош Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида ҳам турибди. Келинглар, бу вазифаларни биргаликда давр, партия, қайта қуриш талаб этаётганидек ҳал қилайлик.

АВГУСТ: БУТУН КУЧ — ҲОСИЛ ТЎПЛАШГА

И. Ҳ. ЖУРАБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, республика Давлат агросаноат комитетининг раиси

Қардош республикаларнинг раҳбарлари бизнинг агросаноат комплексимизда планлар қандай бажарилаётганини таҳлил этдилар. Жойлардаги учрашувлар чоғида ишларни яхшилашга доир кўпгина танқидий мулоҳазалар, таклифлар ва тавсиялар айтилди. Нуқсонларни ҳосил тўғрисидаги чуқур ғамхўрлик билан қардошларча холисона қайд этишиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришнинг, мўл ва барқарор ҳосил олишнинг фойдаланилмаган резервларига эътиборни жалб қилдилар. Уларнинг маслаҳатлари ҳозир — пахта далаларида ҳосил тўпланаётган, мева ва сабзавот йиғиб-терилиб тайёрланаётган, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш программаси бажарилаётган даврда, айниқса, қимматлидир.

Текширувчилар қайд этиб ўтишганидек, ғўзаларнинг ҳолати пахта тайёрлаш даврлат планини бажариш имконини беради. Аммо бунда август ойида қизғин меҳнат қилиш, албатта, шарт. Кичик хатолар ҳам катта нобудгарчиликка олиб келиши мумкин. Ҳозир пахта майдонларининг ярмидан кўпроғидаги ҳар бир туп ғўзада фақат тўрттадангина ҳосил нишоналари тўпланган. Самарқанд областида ҳар беш гектар ернинг, Фарғона областида эса ҳар тўрт гектар ернинг бирида ғўзалар биржиккитадангина кўсакка эга.

Айни ҳосил тўплаш даврида йил сайин ғўза парвариши агротехникаси бузиб келинмоқда. Хотиржамлик, дала ишлари суръатини пасайтириш ҳоллари намоён бўлмоқда. Кўплар август ойида энди ҳосил нақд бўлди, деб ҳисоблайдилар. Айни шу нарса далаларнинг бегона ўт босишига, ҳосилнинг нобуд бўлишига олиб келади ва техникадан самарали фойдаланиш имконини бермайди.

Сентябрь ойигача шундай меҳнат қилиш керакки, ҳар туп ғўзада яна 5—6 тадан бўлиқ кўсак тўпланиши лозим. Яна камида икки марта ишлов бериш, бегона ўтларни йўқотиш керак. Бу борада беғам-бепарволикка ўрин бўлмаслиги керак. Ваҳоланки, ҳозир, масалан, Муборак, Баҳористон, Ворошилов, Пискент, Қораўзак, Гагарин, Шеробод районлари ва бошқа районларнинг хўжаликларида ана шундай ҳол мавжуд бўлиб, бу жойларда ғўзалар ғовлаб кетмоқда, уларнинг кўллатиб суғорилишига ёки чанқаб қолишига йўл қўйилмоқда, Ҳосил нишоналари секинлик билан тўпланмоқда.

Фарғона, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий ва Жиззах областларидаги талайгина майдонларда ғўза ривождан орқада қолмоқда. Бу — деҳқончилик маданиятининг пастлиги, далаларда меҳнат мароми сусайганлиги натижасидир. Тошкент ва Андижон областларида ғўзалар ортиқча суғорилиши сабабли ғовлаб кетмоқда, бунда эса кўсаклар авж олмаяпти.

Кўпгина хўжаликлар қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни бўшаштирибгина юбордилар. Бироқ мутахассисларнинг маълум қилишларича, далаларда кана кўпаймоқда, ғўзаларни кўсак қурти нобуд қилмоқда. «Узсельхозхимия» ходимлари тез ва малакали ёрдам беришлари лозим.

Йиғим-терим мавсумига тайёргарлик кўришдаги камчиликлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ҳам ҳаққонийдир. Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё ва Хоразм областларида пахта териш машиналарининг ҳали 15—20 проценти ремонт қилинмаган. Шуманай, Меҳнатобод, Хўжайли, Гулистон районлари ва бошқа бир қанча районларда машиналарнинг бешдан бир қисми теримга шай эмас. Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё областларида кўрак териш ва кўсак чувиш машиналарининг фақат 67 проценти тахт қилиб қўйилган. Теримтранспорт отрядларини бутлаш йиғим-терим бошланишининг сўнгги кунларигача орқага сурилади, механизаторларни қайта тайёрлаш бошланмаган.

Биз ҳосилнинг 60 процентини машиналар билан йиғиштириб олишимиз керак. Шу мақсадга эришиш учун барча терим агрегатларини 15 августгача тахт қилиб қўйиш зарур. Ҳосилни машиналарда териладиган пахтазорларни ажратиб қўйиш борасидаги ишларни дарҳол ўтказиш, шундай далаларни қабул қилувчи комиссиялар тузиш керак. Дефолиацияга ҳозирлик кўришни пайсалга солмай бошлаб юбориш лозим. Қорақалпоғистон АССРда, республиканинг Андижон, Навоий, Жиззах ва бошқа областларида бу ишда кўпгина жиддий камчиликлар бор.

Мусобақадош дўстларимиз ҳаққоний қайд этиб ўтишганидек, ем-хашак етиштиришда ҳали камчиликларимиз оз эмас. Ем-хашак тайёрлаш плани атиги 48 процент бажарилди. Бунда ташкилий омил иш бермаяпти. Озуқабоп экинлар майдонини кўпайтирдик, техника билан таъминлаш даражаси ошди, шунга қарамай Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Тошкент, Навоий ва Қашқадарё областларининг хўжаликларида ем-хашак тайёрлаш суръатлари пастлигича қолмоқда.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, озуқа майдонининг таркиб топган структурасида чорвани сифатли пичан, сенаж, силос ва илдиз мевалар билан мўл-кўл таъминлаш, пландагидан кўпроқ озуқа бирлиги тайёрлаш имконияти бор. Республика Давлат агросаноат комитетининг, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг мутахассислари ем-хашак етиштиришдаги хўжасизликни тугатиш чораларини кўришлари, меҳнатни ташкил этишнинг пудрат ва ижара формаларини кенгроқ жорий этиш борасидаги ишларни авж олдириб юборишлари керак.

Маккажўхори парвариши агротехникасининг заифлиги шунга олиб келдики, Самарқанд областида ҳосилдорлик гектар бошига 200 центнер, Қашқадарё областида эса атиги 136 центнер кўкпояни ташкил этмоқда. Ем-хашакни сақлаш чоғида айниқса, омборхоналар қурish тўғрисида жон куйдирмаётган, ем-хашак тайёрлаш технологияси бузилаётган жойларда озуқани айнитиш фактлари мавжуд. Ҳозир дон учун маккажўхорини ўриб-йиғиб олиш вазифаси турибди. Биз ўртоқларнинг шу масала хусусидаги фикр-мулоҳазаларини қабул этиб, бу вазифани 20-25 кун ичида уддалаш, гектар бошига 50 центнерлик ҳосилдорликни таъминлаш учун ҳамма ишни қиламиз.

Мева ва сабзавот тайёрлаш суръатлари булгурғига қараганда бирмунча юқори. Лекин бу ерда ҳам имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Сабзавот экинлари суст парвариш қилинмоқда. Ностандарт ва сифатсиз маҳсулот етказиб бериш фактларига чек қўйилмаган салкам олти минг гектар майдонда сабзавот 15 августгача такрорий экиб бўлиниши зарур.

Ҳозир республика агросаноат комплекси ходимларининг бутун фикри-зикри беш йиллик учинчи йили планларини бажаришга қаратилган. Ҳамиша бўлганидек, қардош республикалардан мусобақадош ўртоқларимизнинг келганлиги камчиликларни очиб ташлашга, уларни бартараф этиш чораларини кўришга ёрдам берди. Ўзбекистон меҳнаткашлари бу ёрдам учун астойдил миннатдордирлар.

АГРОСАНОАТ ХОДИМЛАРИ! Дала ишларини озарбайжонлик, туркманистонлик, тожикистонлик қардошлар маслаҳати асосида ташкил этиб, гектардан самарасини оширайлик!

МЕХАНИЗАТОРЛАР! Ғўза парваришида масъулиятли давр давом этмоқда. Агрегатларни моҳирона бошқариб, чеканка ва қатор ораларига ишлов беришни ўз вақтида сифатли адо этилишини таъминланг!

СУВЧИЛАР! Ҳосил тақдири сизнинг қўлингизда. Ҳар туп ниҳол обиҳаётга қониб, баравж ривожланиши, кўпроқ бўлиқ кўсак тўпланишига эришинг!

ХИМИЗАТОР ВА БИОЛАБОРАТОРИЯ ХОДИМЛАРИ! Ғўза касалликлари ва зараркунандаларига қарши ўз вақтида самарали воситалар билан курашиб, ҳосилни тўла сақлаб қолайлик!

• *Партия турмуши: қайта қуриш меъморлари*

ПОЙҚАДАМ

СОВЕТОБОД РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРИ МАРЗИЯ ЖЎРАЕВА ФАОЛИЯТИДАН ЛАВҲАЛАР

БИРИНЧИ ЛАВҲА. Рўйхат бўйича у одамларни шанба куни қабул қилиши керак. Қабулхонага белгиланган вақтдан сал олдинроқ борди. Бир аёл кутиб ўтирганди.

— Сизни қаердадир кўргандайман? — деди у жувонга.

— Айланай, отангиз туғилган қишлоқданман. Районимизга келганингизни эшитиб...

Жувон гапининг давомини айтмади. «Қувондик» демоқчи бўлдими? Еки дардимни сизга айтиш учун имконият туғилди, дейиш учун оғиз жуфтладими? Ҳар қалай гапининг давомини айтмади. У турмуш ўртоғи устидан шикоят қилиб келган экан. Узоқ гаплашди. Эртасига Муҳаббат Шералиеванинг турмуш ўртоғи Бойхўроз Норбоевни чақириб гаплашди. Лекин оилага дарз кетганди. Уларни яраштиришнинг иложи бўлмади.

Марзия дастлабки қабул кунлари 20-25 кишининг ташвиши, дарди, аризасини эшитди. Барчаси асосан ижобий ҳал этилди. Аммо кўз олдидан Муҳаббат ва Бойхўрознинг сиймоси нари кетмасди. Нега уларни яраштира олмади? Балки тажрибасизлик қилгандир? Эҳтимол ҳаракат қатъий бўлмагандир? Хуллас, бу ўй анчагача унга тинчлик бермади. Шу сабабли одамлар райкомга келишларини кутиб ўтирмай, балки уларнинг ҳузурларига бориш керак, деган фикрга келди.

Биринчи галда у қабул кунлари графигига «бўйсунмади». Чунки райкомга келадиганлар асосан социал масалалар юзасидан мурожаат қилишарди. У ҳар куни қабул қилишни таомилга киритди.

— Партия ходимининг эшиги одамлар учун ҳамма вақт очиқ туриши керак, — дейди Марзия Ҳасановна.— Айни пайтда бу уларга қулайлик яратади. Районимизнинг икки сарҳади оралиғида икки юз километрли масофа бор. Одамлар атайлаб келишлари учун анча вақт йўқотишади. Агар ҳар куни қабул қилсак, улар район марказига ўз юмушлари билан келишганда, райкомга ҳам кириб, ташвишларини айтиб кетишади.

— Бу жуда кўп вақтингизни олмайдими? — сўраймиз ундан.

— Асосий вазифамиз одамлар билан ишлаш-да.

Аста-секин қабулга келувчилар камайди. Бу бир томондан кишига таскин берса, иккинчи томондан ташвишга солади. Шу боис кўчма қабул ташкил этилди. Район газетаси — «Советобод тонги»да эса қуйидаги хабар босилди:

«Кеча «Жом» совхози марказида район партия комитетининг секретари М. Ҳ. Жўраева бошчилигида район ташкилотлари раҳбарлари, совхоз ишчилари, пенсионерлар ва кўп болали оналарни қабул қилиб, уларнинг ариза ва шикоятларини тингладилар. Ана шу ариза ва шикоятларнинг асосий қисми шу ернинг ўзида ҳал этилди». Хабар давомида кимлар нима ҳақда мурожаат этгани ва ижро этиш кимга юклатилгани ёзилган.

Райком секретари одамлар ҳузурига боришга одатланди. Энди ўнлаб Муҳаббатларнинг оиласини сақлаб қолишга, турмуш тарзини ўрганишга, муаммоларни ҳал этишга имкон топилди.

ИККИНЧИ ЛАВҲА: Советобод чорвадор район. Унинг поёнсиз яйловларида асосан эрламай ётган жун рўмол тўқиш цехи ишга туширилди. Лекин бу ҳали дарёдан қатра эди. Ниҳоят Жарқудуқ қишлоғида 200 кишига мўлжалланган жой ҳозирланди. Лекин область маҳаллий саноат бирлашмаси цехни муддатида ишга туширолмади. Техника кечикканини баҳона қилишди.

Бу воқеалар уни ҳам қувонтирди, ҳам ташвишларини ошириб юборди. Бошқа қишлоқлардаги аёллар ҳам «қўзғалиб» қолишди. Нима қилиш керак? Ўйласа йўли топилар экан. Жом қишлоғида гиламчи қизлар кооперативи тузилди. Унга қисқа вақт ичида 500 киши аъзо бўлди. Олис қишлоқларда кооператив филиаллари ташкил этилди. Ҳозир минг киши чўгдек гиламлар тўқиш билан машғул. Қизлар қувончи шу даражада баланд эдики, улар биргалашиб ажойиб шарф тўқишди ва райкомга юборишди.

— Ололмайман, — деди Марзия Ҳасановна. — Сизларга шароит яратиш вазифамиз. Ҳурматларингиз учун раҳмат.

— Йўқ, оласиз, — деб туриб олишди.

— Унда пулини тўлайман. Аввалига қизлар қўнишмади. Кейин Марзия Ҳасановнадан пул тўланганлиги ҳақидаги чек қоғозини олишаркан, унга нисбатан муҳаббатлари янада жўшди.

— Бир йилда 1736 хотин-қизни иш билан таъминладик, — дейди секретарь. — Ҳали кўп ўйлашимиз, кўп ҳаракат қилишимиз зарур. Хуллас, ишлашни ихтиёр этган ҳар бир киши учун шароит яратмоқ лозим. Нуробод шаҳрида ишчи кучи керак. Аммо Олға, Ҳазормали сингари қишлоқлардан бу ерга келиб ишлаш учун масофа эрк бермайди. Шунинг учун қишлоқларда саноат филиалларини очишни тобора кўпайтиряпмиз.

УЧИНЧИ ЛАВҲА: Районда болалар ўлими юқори эканлиги Марзияни ўртаб юборди. Бунинг сабаби нима? Шунда онасининг гапи ёдига тушди.

— Биз Украинада уруш кезлари ўқ-олов остида қолдик, — деганди София опа. — Лекин болаларни ҳеч ким ташлаб кетмади. Ҳар қандай шароитда ҳам уларни асрашди. Биз Самарқандга кўчиб келдик. Ҳасан Жўраевга турмушга чиқдим. Ўн фарзанднинг онаси бўлдим. Ҳаммангизни кўзим қаросида тутиб парваришладим. Оғир йилларда гўдаклар учун яшадик. Лекин энди, тўкин замонда, болапарвар юртда, болалар ўлими нега кўп бўларкин? Бу оғир айб, болам!

Марзия область комсомол комитети секретари бўлиб ишлаган кезлари онасининг бу сўзларини кўп ўйлади. Мана энди дунё кўрмай кўз юмаётган болаларни қутқариш унинг гарданига тушди.

— Нима қилиш керак? — деди биринчи секретарь унинг ахборотини тинглаб.

— Райком бюроси мажлисида узил-кесил келишиб олайлик. Йиллар давомида қишловда отарларга вакил юбориб нимага эришдик? Планлар уддаландими? Биз одамлар ҳақида ўйламасликка ўргандик. Бюро аъзолари тўққиз кишимиз. Ҳар биримизга партиявий топшириқ берилсин. Қишлоқ касалхоналари ремонтга муҳтож, оддий санитария ҳолати йўқ. Хуллас фожиали аҳволда. Бир киши ҳеч иш қилолмайди. Бюро аъзолари ана шу касалхоналарни бўлиб олайлик. Бу партиявий топшириқ бўлади.

Бу хўжаликларга вакил юбориш иллатидан тубдан фарқ қиларди. Чунки бюро аъзолари олдида талай жумбоқлар бор. Касалхоналар мослашган биноларда жойлашган, ремонт учун маблағ йўқ. Қурилиш материаллари аҳконинг уруғи. Лекин шароит зарур, болалар учун, оналар учун, келажак учун!

Бюро аъзоларининг ахбороти эшитиб бўлди. Райком биринчи секретари Т. Қиличев Жарқудуқ қишлоғига борди. Халқни кўтарди. Ҳашар йўли билан йирик касалхона қурилди. 1987 йил октябрь ойида бу ерда болалар бўлими, туғуруқхона ишга тушди. Самарқанд шаҳрида ҳам бундай обод касалхонани топиш қийин. Фақат кир ювиш учун бешта хона ажратилган (санитария талаби шундай), водопровод, ошхона, буғ қозонхонаси, хуллас, ҳақиқий замонавий шифо маскани бўлди.

Партия комиссияси раиси Аркадий Ким Олға қишлоғида юқумли касалликлар шифохонасини ҳашар йўли билан тиклашга бош бўлди. Бошқалар ҳам саломатлик ҳаракатидан четда қолмадилар. Марзия Ҳасановна эса Тим қишлоғида физиотерапия кабинетини ишга туширди. Саккиз ой давомида эрталаб ишга юқумли касалликлар шифохонаси орқали келди. Саккиз ойда бу ер ҳақиқий даволаш марказига айланди. Жом қишлоғида эса совхоз маъмурияти ташаббуси билан янги бино қад ростлади. Бу ерда терапия, болалар бўлимлари ишлай бошлади.

Ҳа, жуда қисқа вақт ичида кўп иш қилинди. Демак мумкин экан.

— Нега мумкин бўлмасин, — дейди Марзия. — Агар бирлик бўлса ҳар қандай муаммо ҳал этилади.

Натижа дарров кўзга ташланди. 1988 йилнинг дастлабки икки ойида болалар ўлими қайд этилмади. Бу ҳали Марзияга ҳаловат эмас. Чунки районда 10 та қишлоқ касалхонаси бор, бу эса кам. Мақсад ҳар бир йирик қишлоқда ҳеч бўлмаса, болалар ва оналар учун кичик бўлсада даволаш масканини бунёд этиш.

ТЎРТИНЧИ ЛАВҲА: Марзия тўрт йил пионер вожатий, сўнг рус тили ўқитувчиси бўлди. Шу бонс мактаб ҳаёти унга яхши таниш. Шу сабаб иш планларини қайта кўриб чиқди, ҳар ҳафта битта мактабга боришни мўлжаллади.

«Қарнаб» совхоз-заводининг Оғрон қишлоғидаги 54-мактабга жума куни келди. Танаффус ўн беш минутга чўзилди. Ўқитувчилар хонасига кирса, гурунг авжида экан. Салом-аликдан сўнг навбатчини сўради. Ҳамма бир-бирига қаради. Қўнғироқ чалиш учун навбатчи йўқ экан. Кейин илмий бўлим мудирини сўради ва дарсда қатнашиш истаги борлигини айтди.

Ўқитувчи Бахтиёр Қорабоев шошиб қолди. Конспекти йўқ экан. Дарсга киргач, ўқувчилар билан саломлашди-ю, 30 минут қимирламай ўтирди. Тўрт нафар ўқувчидан тўрт мартадан дарсни сўради. Марзия Ҳасановна қўл кўтариб, ўрнидан турди.

— Менинг атрофимда ўтирганларнинг ҳатто дафтарлари ҳам йўқ — деди.

Б. Қорабоев рус тили дарсида ўқувчиларни ўзбекчалаб уриша бошлади.

— Ўқувчини ҳеч қачон уришишга одатланманг, — деди Марзия ташқарига чиқкач.

Эртасига район халқ маорифи бўлими методистларини юбориб мактабни ўрганди.

— Бахтиёр Қорабоев ўз касбини билмайди, четлатиш керак, — дейишди.

— Йўқ, у аҳволда муаллимсиз қоламиз. Сиз ва бизнинг вазифамиз эса тарбия. Унга тажрибали муаллимни биркитиб қўйинглар.

Шу куни район газетаси редакторига қўнғироқ қилиб, мавзуни айтди. Кўп ўтмай Б. Қорабоев «тажрибаси» билан кўпчилик танишди.

БЕШИНЧИ ЛАВҲА: Идеология, асосан тарбия масалаларини қамраб олган тушунча, — дейди М. Жўраева. — Лекин катта бир хўжаликда, йирик қишлоқда болалар боғчаси бўлмаган, нима қиласиз?

Икки йилда Қизил қуёш, Жарқудуқ, Нурдим, Тим қишлоқларида болалар боғчалари бинолари қурилди. 1988 йилда 8 та хўжаликда биттадан болалар боғчаси тиклаш планга киритилди. Чунки районда 6 минг атрофида жажжилар бор. Ҳозир атиги 2500 бола боғча ва яслиларга қатнаяпти, холос.

Марзия Ҳасановна қисқа вақт ичида бошқа жойларда ҳам янгилик яратишга улгурди. Масалан, район партия комитети иш услуби ва методларини такомиллаштиришга ҳам ҳисса қўшди.

Илгари ҳамма топшириқни партком секретарига беришарди. Унинг идеология бўйича муовини эса аъзолик бадаллари тўплаш билан банд бўларди. Райком уларни йиғиб семинар ўтказди. Идеология бўйича барча топшириқлар энди бевосита уларнинг ўзларига берилади. Бу энг аввало жавобгарлик, масъулият ҳиссини оширди.

Партия сиёсий ва иқтисодий ўқувида ҳам ўзгариш ясалди. Илгари дарсга фақат пропагандист тайёргарлик кўрарди. Эндиликда эса уч-тўрт киши мавзуни ўрганиб келадиган, дарс баҳс тарзида ўтадиган бўлди. Келгуси ўқув йилида ҳамма жойда шу усулга ўтилади.

Районда 90 та бошланғич партия ташкилоти бор. Шу пайтгача уларнинг секретарлари тез-тез райкомга чақириларди. Ҳозир 8 та хўжаликда секретарлар кенгашлари тузилган. Совхоз партия комитети секретари кенгаш раиси. У райкомдан топшириқни олгач, қолганларга етказади. Бу жуда кўп муаммоларни ҳал этди. Айниқса, 100—150 километрдан қатнайдиганлар учун қўл келди. Қолаверса, хўжалик партия комитети секретарининг ўз территориясидаги мавқеи янада мустаҳкамланди.

Марзия Ҳасановнанинг ҳеч ким топширмаган, ҳеч қаерда қайд этилмаган топшириқлари ҳам кўп. Шулардан бири рассом Любовь Старцеванинг ҳолидан хабар олиб туришдир. Л. Старцева оғир хасталикка дучор бўлган. У чизган расмлар эса маънавият учун хизмат қилянти. Марзия маданият фонди область бўлими билан келишиб область Ленин комсомоли мукофоти лауреати Любовь Старцеванинг ижодий кўргазмасини ташкил этишга киришди.

— Раҳмат! — деди Л. Старцева унга қўнғироқ қилиб, — Мен бу янгиликни эшитиб яна асар яратишга киришдим.

Ҳа, кимгадир илҳом бахш этиш мушкул. Лекин М. Жўраева ана шу мушкулликни енга олди. Ажабмас, Л. Старцева галдаги ижодига «Пойқадам» деб ном берса. Чунки Марзиянинг пойқадами билан Советободда жуда кўп янгиликлар куртак ёйди.

У 1986 йил 31 август куни район партия комитети секретарлигига сайланганди. Кўриниб турибдики, қайта қуришни дадиллик билан рўёбга чиқариш учун қисқа вақт ҳам имкон бераркан.

Ж. МАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

«ИШЛАЙВЕРИНГ, БИЗ БИРГАМИЗ»

Ўзбекистондаги энг кекса Фарғона пилла йигириш фабрикасининг ишчилари Қорабоғ шоҳи комбинати коллективи олдидаги шартномавий мажбуриятларини ўз муддатида бажардилар. Бу ердан Степанакертга кўплаб олий навли хом ашё жўнатилди.

— Тоғли Қорабоғдаги шерикларимиз забастовка туфайли йўл қўйилган қолоқликни дам олиш кунлари ишлаб, бартараф этишга қарор қилганликларини эшитиб хурсанд бўлдик, — дейди фабрика бош инженери Ю. Жеринцин. — Биз Степанакертга йил бошидан бери саккиз тоннадан кўпроқ хом ашё жўнатдик. Ишчиларимизнинг фикри битта, қардошларимизга: «Сиз ишлаверинг, биз эса панд бермайиз», дейишмоқда.

Фарғона пилла йигириш фабрикаси бу йил Тоғли Қорабоғга биринчи марта хом ашё етказиб бермоқда. Коллектив хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтганлиги сабабли катта ўзгаришлар рўй берди. Иқтисодчиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, фабрика йил якунларига кўра катта фойда олади.

(ЎзТАГ).

«Совет Ўзбекистони» почтасини шарҳлаймиз

ТАНҚИДГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Газетамизнинг шу йил 21 январь сонида босилган «Хусумат» сарлавҳали мақолада Бахмал районидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Эшонқулов ноҳақликка учраганлиги фактлари очиб ташланган эди.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда қайд этилишича, мақола кўриб чиқилди. Унда кўрсатилган фактлар тўғри.

1985 йилнинг 21 мартида «Жиззах ҳақиқати» газетасида Бахмал районидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси А. Эшонқулов тўғрисида «Юмалоқ хат» сарлавҳали мақола босилади. Унда кўрсатилган фактлар юзасидан А. Эшонқулов устидан жиноий иш қўзғатилади ва 1985 йил июлидан у 2 йил озодликдан маҳрум этилади.

Бироқ Жиззах область суди жиноят-судлов коллегияси Бахмал район халқ суди ҳукмини жиноят составидан йўқлиги учун бекор қилади. 1985 йил 19 июлдан 1986 йил 30 июлигача А. Эшонқуловни қамоқда сақлаб, етказилган зарар тўла ундириб берилди ва у аввалги ишига тикланди.

Мазкур масала область прокуратурасининг кенгайтирилган коллегиясида кўриб чиқилди. Бахмал район прокуратураси терговчиси (энди собиқ) А. Абдураимовга ва прокурор Р. Давроновга қаттиқ ҳайфсан берилди. Район халқ суди судьяси К. Аннақулов янги муддатга тавсия этилмади. «Жиззах ҳақиқати» редколлегияси фельетонни асоссиз тайёрлагани учун махсус мухбир А. Каттабековга ҳайфсан эълон қилди.

Шунингдек, мақола юзасидан **ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИ**дан ҳам жавоб олинди. Унда кўрсатилишича, мактаб педагогика коллективи А. Эшонқулов эътирозларини ўрганиб чиқишда фаоллик кўрсатмаган, унинг гражданлик ишига совуққонлик билан муносабатда бўлинган. Бахмал район ва область халқ маорифи бўлимлари мактабда нормал маънавий-психологик муҳитни ўрнатиш учун қатор тадбирлар кўрдилар. Мактаб директори вазифасидан бўшатилди.

Район халқ маорифи бўлимига мактаб илмий бўлим мудирининг фаолиятини ўрганиб чиқиш ва А. Эшонқулов эътирозларини ўрганиб чиқишда совуққонлиги учун маъмурий чора кўриш топширилди.

Область халқ маорифи бўлими мазкур мактабда ўқувмоддий базасини мустаҳкамлаш юзасидан зарур тадбирларни кўрмоқда.

Бундан ташқари «Хусумат» сарлавҳали мақола юзасидан **ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ АДЛИЯ БЎЛИМИ**дан ҳам жавоб олинди. Унда Бахмал район халқ суди А. Эшонқулов ишини кўриб чиқишда хатога йўл қўйганлиги тан олинади.

Область **«ЖИЗЗАХ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯ**сидан олинган расмий жавоб хусусида нима дейиш мумкин. Очиғи, газетамиз танқиди ёқмабди. «Эҳтимол, мазкур жавобимизни ўқиб танқид ёқмабди-да деган хулосага келарсиз», — деб яна тан олинишни кизиқ? «Бу гапларни «Совет Ўзбекистони» бизни танқид қилгани учун ёзаётганимиз йўқ. Унда бизнинг хатомиз тўғри кўрсатилган», — деб бир қатор эътирозлар билдирилади, ўзини оқлашга уринилади. Жавобдан шундай маъно келиб чиқадики, демак, «Жиззах ҳақиқати» ўз хатосини тан олиб, қайта чиқиш қилганлиги» учун «Совет Ўзбекистони» танқид қилмаслиги керак экан-да! Бордию, республика газетаси область газетасини нотўғри танқид қилган бўлса, унда нега расмий жавобда «Редакция хатосини тан олди, мухбир А. Каттабеков маъмурий йўл билан жазоланди (унга қаттиқ ҳайфсан берилган) ва у А. Эшонқуловдан кечирим сўради» — деб ёзади?

«Жиззах ҳақиқати» газета редакцияси танқидни тўғри қабул қилиш ўрнига турли важларни келтиришни лозим кўрибди. Қайта қуриш танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтиришни талаб қилаётган бир пайтда ҳаққоний эътирозга бундай муносабатни қандай тушуниш керак?

МУСОБАҚА: СУРЪАТ, СИФАТ ВА ТЕЖАМ

Жадал усулда

● 156-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна биокорлари Самарқанд вилоятидаги янги консерва заводи қурилишини жадал суръат билан олиб бормоқдалар. Улар заводни Улуғ Октябрнинг 71 йиллиги байрамигача тўла фойдаланишга топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Тўрт линиянинг дастлабкиси етиштирилган ҳосилни қайта ишлашга киришди.

Маҳмуд Муҳаммадиев, Отақул Латипов, Вафоқул Ҳурромов ва Ориф Умаров бошлиқ комплекс бригадалар корхонанинг бошқа линиялари қурилиш объектларида баракали меҳнат қиляптилар.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
Самарқанд области.

Йўловчилар хурсанд

● Тажрибали транспорт ходимлари Маъруфжон Солиев билан Каримжон Мадраҳимов Ҳаққулобод — Марғилон йўлида қатновчиларга қадрдон бўлиб қолган. Улар бошқаратган «31—42 НАД» номерли автобус қатъий график асосида қатнаб, йўловчиларга қулайлик туғдирмоқда.

Бизнинг Комсомолобод районидаги йўловчилар бу фидойи шофёрлардан миннатдор.

М. МАТКАРИМОВА.
Андижон области.

Пухта замин

● Тошкентдаги В. И. Ленин номли электрон-техника заводининг Акмал Умаров, Шавкат Қурбонов, Жўра Умаров, Андрей Зокиров каби илғор ишчилари тежамкорликка алоҳида эътибор бермоқдалар. Улар ҳамиша хом ашё, материал тежаб ишлашга одатланишган.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ишлаб турган бир неча кун мобайнида асосан тежалган ресурслар ҳисобига маҳсулот тайёрлаган бу илғорлар ўз тажрибаларини такомиллаштирмоқдалар. Ийл охирида иқтисод қилинган ресурслар ҳисобига уч-тўрт кун ишлаш учун ҳозир пухта замин яратиляпти.

Ж. САФАРОВ,
Тошкент шаҳри.

• *НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ*

ҚАЙТА ҚУРИШ: ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАР

Мамлакатимизда амалга оширилаётган қайта қуриш жараёни ўз миқёси ва сифат ўзгариши нуқтаи назаридан янги, масъулиятли босқичга кирди. Қайта қуриш илмий ғоя, концепциядан реал воқеликка айланиш даврига ўтди. Унинг ҳозирги босқичи хусусияти шундаки, у ҳар бир фан ва революцион социал-иқтисодий жараённинг муваффақиятли боришига тургки берувчи ўз илмий ечимларини аниқлаш ва ҳал қилиш муддатларини тезлаштириши лозим.

Қайта қуриш кўп қиррали социал-иқтисодий жараён. Шунинг учун унинг муаммолари кўп томонламадир. Қайта қуриш ва жадаллаштириш бир-бири билан узвий диалектик боғланган бўлиб, уларнинг бирлиги чуқур иқтисодий асосга эга.

Иқтисодий нуқтаи назардан жадаллаштириш деганда истеъмол қийматларини (шунчаки маҳсулотлар миқдорини эмас) кўпайтириш, ижтимоий меҳнатнинг унумдорлиги даражаси жиҳатидан жаҳонда юқори позицияларни эгаллаш, энг муҳими, ҳар қандай тараққиётнинг чуқур моддий негизи бўлган қўшимча маҳсулотнинг ўсиши суръатларини ошириш тушунилади. Қайта қуриш иқтисодий нуқтаи назардан мавжуд амалдаги ишлаб чиқариш муносабатларини, хўжалик механизмини, иқтисодий кўрсаткичлар ҳамда нормативларни уларнинг ўз моддий асосларига — ижтимоий маҳсулот ва унинг структурасига, соф маҳсулот ва унинг структурасига, айниқса, қўшимча маҳсулот ва унинг ғоят мураккаб ишлаб чиқариш структурасига — илмий асосланган боғлиқликларга эришишдир.

Назаримизда қайта қуришнинг иқтисодий аспекти ушбу революцион социал-иқтисодий жараённинг назарий ва, айниқса, амалий томондан энг қийин бўлган илмий ечимларидан биридир. Зеро, қайта қуришнинг иқтисодий асосларини тушуниб олиш, уни миқдорий жиҳатдан аниқлай билиш орқалигина мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга эришиш мумкин. Одатда, ривожлантиришни жадаллаштиришнинг моддий асоси тўғрисида гап борганда миллий даромад, унинг жамғариш ва истеъмол фондлари ўртасидаги нисбатлар даражаси ҳақида фикр юритилади. Мунозараларда худди ана шу фикр кўпроқ муҳокама қилинади. Тўғри, миллий даромад мамлакат иқтисодий тараққиётининг етакчи кўрсаткичи, моддий ва маънавий ўсишимизни белгиловчи омилдир. Ҳозирги вақтда фойдаланилаётган миллий даромаднинг чорак қисмига яқини жамғаришга, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий асосларини кучайтиришга сарфланмоқда.

Социализм асосий иқтисодий қонуни талабларига кўра, шунингдек истеъмолнинг ўсиб бориши умумиқтисодий қонунга мувофиқ истеъмол фонди ўсиб бориш қонуниятига эга бўлиши керак. Бироқ миллий даромадда истеъмол фондининг ўсиб бориш тенденцияси ривожланишни тезлаштиришга акс таъсир этмайдими? Бизнингча, салбий таъсир кўрсатмайди. Гап шундаки, ишлаб чиқаришнинг мақсади бевосита ишлаб чиқариш мақсадларини эмас, балки истеъмол эҳтиёжларини қондиришга қаратилгандир. Миллий даромадда истеъмол фонди ҳиссасининг ортиб бориш тенденцияси кишилар учун қулай социал-иқтисодий шароит яратиб беришга хизмат қилади. Бу тенденция партиянинг социал сиёсатига мувофиқ келади. Одамларга яхши социал-иқтисодий шароит яратилиши моддий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг зарур шартларидан биридир. Демак гап миллий даромад структураси, унинг жамғариш ва истеъмол фондлари ўртасидаги нисбатни ўзгартиришда бўлмай, балки миллий даромад миқдорини, унинг моддий асоси **соф маҳсулотни** қўпайтиришдадир.

Соф маҳсулот ёки янгидан ҳосил қилинган маҳсулот ўз-ўзидан зарурий маҳсулотга ва қўшимча маҳсулотга бўлиниб кетади. Доҳий В. И. Ленининг кўрсатиши ча, бундай бўлинишнинг асослаб берилиши К. Маркс иқтисодий таълимотидаги бош масалалардир. Ф. Энгельснинг таърифича, соф маҳсулотда қўшимча маҳсулотнинг аниқлаб берилиши илмий социализмнинг бошланиш нуқтасидир.

Зарурий маҳсулот — ишчи кучини такрор ҳосил қилишнинг, унинг оиласи эҳтиёжларини қондиришнинг моддий манбаидир. Зарурий маҳсулот ишчи ва унинг оиласи ихтиёридаги маҳсулот бўлиб, бунинг умумиқтисодий хоссасидир. Шу боис зарурий маҳсулотга ишчи ва унинг оиласи аъзоларидан бошқа ҳеч ким даъвогарлик қилишга ҳаққи йўқ. Бундан кўриниб турибдики, ҳар қандай тараққиётнинг моддий асоси соф маҳсулот (миллий даромад) бўлмай, балки унинг қўшимча маҳсулотда гавдаланган қисмидир.

Қўшимча маҳсулот — меҳнаткашларнинг жамият ва бошқалар учун яратиб берган маҳсулотидир. У шу маънода жамият бойлигининг моддий мезони, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлик кўрсаткичидир. К. Маркс ва Ф. Энгельс таъкидлаганидек, жамиятнинг бойлиги маҳсулотнинг абсолют (мутлоқ) миқдори билан эмас, балки қўшимча маҳсулотнинг нисбий миқдори билан белгиланади. Қўшимча маҳсулот ҳар қандай иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ақлий тараққиётнинг асосидир. Демак тараққиётни жадаллаштириш тўғрисида гап борганда, аввало, қўшимча маҳсулот, унинг нисбий миқдорини кўпайтириш, ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмаштириш ва истеъмол қилиш механизмини ўзгартириш ҳақида фикр юритмоқ лозим.

Социалистик жамият шароитида қўшимча маҳсулотнинг социал хоссаси ўзгаради. Қўшимча маҳсулот **ассоциалашган** социал форма касб этади. Жамиятимизда қўшимча маҳсулот ҳаракатидаги чуқур сифат ўзгариши шуки, у энди зарурий маҳсулот доирасини кенгайтиришга ҳам сарфланади. Бошқа формацияларда бу ҳақда гап бўлиши мумкин ҳам эмас. Сўнгра у ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, номоддий соҳаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади. Қўшимча маҳсулотнинг бош функцияси социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилишидир.

Иқтисод фани эса ана шу маблағлардан рационал фойдаланиш ва унинг самараси устида иш олиб бориши керак.

Хўш, қўшимча маҳсулот шунчаки абстракт, илмий категориями? Уни реал хўжалик механизми доирасида учратиш мумкинми? Иқтисод фани қўшимча маҳсулотни ҳозирги хўжалик механизм системасига киритишга, корхоналар, ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўшимча маҳсулотнинг миқдори ва структураси бўйича баҳолашга кўчира оладими? Булар ғоят мураккаб ечимли масалалардир. Ҳозирча, мазкур масалаларнинг назарий нуқтаи назардан маълум илмий ечими бор, холос.

Шуни айтиш керакки, қайта қуриш ва жадаллаштириш концепцияси бу масалалар ечимини тезлаштиришни, уни кечиктириш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда.

Реал социалистик хўжалик юритиш практикасида қўшимча маҳсулотнинг тараққиётни жадаллаштиришга йўналтирилган қисми **капитал маблағлар** деб юритилади. Хўжалик ҳисоби асосида фаолият қилаётган корхоналарда эса уларни ривожлантириш фонди деб аталади. Шунингдек, қўшимча маҳсулот социал страхование ва резерв фондлари ташкил этишга, ҳатто ишлаб чиқарувчиларни моддий мукофотлаш маҳсадларига ҳам сарф қилинади. Бугунги кунда капитал маблағлар ва бошқа ривожлантириш фондларининг самарадорлигини ошириш қайта қуришнинг муҳим йўналишларидан бири.

Шу нуқтаи назардан фикримизча, снёсий иқтисод фани социалистик хўжалик юритиш практикасида қўлланилаётган фойда, хўжалик ҳисоби даромади, соф даромад, фондлар учун тўловлар, муомала ва даромад солиғи, бюджет тўловлари, меҳнат ва табиий ресурслар учун тўловлар, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ҳамда молиялаш каби қатор иқтисодий кўрсаткич, нормативларнинг чуқур моддий асосларини илмий жиҳатдан очиб бериши керак. У реал иқтисодий муносабатларнинг уларнинг чуқур моддий асослари билан боғланиш даражасини аниқлаб бериши лозим. Шунингдек, иқтисод фани намояндалари хўжалик механизми системасида ҳаракат қилаётган иқтисодий нормативларни қўшимча маҳсулот билан, унинг у ёки бу структуравий элементи билан боғланиш даражаларини тушунтириб бермоғи керак. Зеро, масаланинг моҳияти шундаки, амалда қўлланилаётган иқтисодий кўрсаткич ва нормативлар аслида қўшимча маҳсулот ҳамда унинг элементлари билан у ёки бу даражада боғланган бўлса-да, бу боғланишнинг қанчалик оптималлиги ҳозирча номаълумлигича қолмоқда.

Хўжалик механизми бўғинларининг иқтисодий кўрсаткич ва нормативларнинг корхоналар фаолияти самарадорлик даражасига қандай таъсир этиши кўп жиҳатдан улар ҳар бирининг қўшимча маҳсулот таркибий қисмлари билан боғланганлик даражасига боғлиқ. Масалан, корхона соф фойдасининг оптимал миқдори қандай бўлиши керак? Корхона коллективининг қўшимча ҳаракати эвазига келтирилган қўшимча маҳсулотга мувофиқ келсин. Яъни, корхона коллективи фойда формасида бошқа меҳнат коллективлари яратган қўшимча маҳсулотни ўзлаштирмаслиги лозим. Шунингдек, социалистик давлат ҳам шундай миқдордаги қўшимча маҳсулотни бюджетга жалб этиши керакки, бу қисм унинг корхона учун яратиб берган шарт-шароитларига, ундаги меҳнат унумдорлигининг ўсишига қўшган хиссасига мувофиқ келиши лозим.

Шундай қилиб, корхона, бирлашма, тармоқ, регион давлат қўшимча маҳсулотнинг фақат ўзи яратган хиссасини — меҳнат унумдорлигининг ўсишига қўшган, реал ҳиссасингина ўзлаштириши керак. Иқтисодий муносабатларнинг ўз моддий асосларига боғланиш даражасини аниқлаб бериш ғоят катта халқ хўжалик аҳамиятига эга. Қолаверса бу социал адолат принципини қарор топтиришнинг ҳам илмий асосидир.

Хўжалик механизми нормативлари билан уларнинг чуқур моддий асослари боғлиқлигини амалга оширишга эришиш иқтисод фанининг катта ютуғи бўлур эди. Шунда тўла хўжалик ҳисоби ўзини-ўзи таъминлаш ва молиялаш каби вазифаларни ҳал қилишни ҳам илмий асосга кўчирган бўларди. Бироқ бу ечимнинг ҳал этилиши қўшимча маҳсулот назарияси билан шуғулланаётган иқтисодчи олимлар илмий потенциалини бирлаштиришни тақозо этади.

Демак, вазифа республикамизда мавжуд бўлган илмий кучларни бирлаштириш, уларнинг илмий потенциалини иқтисод фанининг муҳим йўналишини ҳал қилишга сафарбар этишдан иборат.

Қ. ЙЎЛДОШЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Дунё овози

ЖАҲОНДА ТИНЧЛИК БЎЛСИН ДЕБ

Ўзбекистон меҳнаткашлари 6 августда бошланган атом бомбардимони қурбонлари билан бирдамлик анъанавий халқаро ҳафталигига фаол қўшилдилар. Ҳафталик Жаҳон Тинчлик Кенгашининг даъватига биноан ҳар йили ўтказилади.

Тошкент область Ғалаба райондаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида урушга қарши кўп кишилик митинг бўлди. Унинг қатнашчилари КПСС ва Совет давлатининг, ядро аслаҳахоналарини тақиқлаш ва бутунлай йўқ қилиб юборишга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватладилар. Уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорларининг нутқларида ўртача ва камроқ олислик ракеталарини тугатиш юзасидан Совет-Америка шартномасига биноан ўртача ва камроқ олислик ракеталари йўқотила бошланганлиги инсониятга тинч келажак сари йўл очади, деб таъкидланди. Митинг қатнашчилари тинчлик вахтаси уюштириш, ишлаб топилган пулни эса Совет тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдилар.

Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳарлари ва қишлоқларида ҳам урушга қарши тадбирлар ўтказилди. **(ЎзТАГ).**



Европада энг кичик шаҳар

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Айтишларига қараганда, Мелник Европанинг энг мўъжаз шаҳридир. Унинг аҳолиси 400 кишидан ошмайди. Чиндан ҳам гўзал, кишини мафтун этувчи шаҳарча Болгарияда архитектура заповедниги деб эълон қилинган.

Мелник шаҳри мамлакатнинг жанубий қисмида жойлашган. Уни кенг кафтдаги мўъжаз марваридга қиёс этишади. Тарихи ҳам қизиқ. Қачонлардир у Византия империясининг савдо маркази бўлган. Шаҳар бир неча бор вайронагарчиликларни бошидан кечирди.

Болгария Халқ Республикаси ҳукумати Мелник шаҳрини таъмирлаш ишига бошқош бўлди. Қадимий шаҳар ҳаётга қайтарилди. Айни кунларда қадимий иншоотларни тиклаб, уларга қайта ғўзаллик касб этияпти.

Суратда: қадимий Мелник кўчаларидан бири.

БТА — ТАСС фотоси.

АФҒОНИСТОН:

БИРГАЛИКДАГИ КОСМИК ПАРВОЗ

Биргаликдаги Совет — Афғонистон космик парвози СССР билан Афғонистон ўртасидаги ҳақиқий дўстлик муносабатларининг яна бир тасдиғидир. Турли соҳаларда тез ривожланиб бораётган икки мамлакат ҳамкорлиги эндиликда космик тадқиқотлар соҳасига ҳам ўтмоқда, — деди БАХТАР агентлиги мухбири билан суҳбатда Афғонистон Республикаси тог ишлари ва саноат министрлиги геология бошқармасининг бошлиғи Муҳаммад Тоҳир Гирувал. Бу парвоз Афғонистон территориясидаги фойдали қазилмалар запасларини қидиришда, олға қараб катта қадам ташлашга имкон беради, деб таъкидлади у.

М. Т. Гирувал учишга тайёргарлик кўриш афғон делегацияси составида Москвага жўнаб кетиш арафасида берган баёнотида космосдан туриб суратга олиш нефть, газ, бошқа фойдали қазилмалар, шунингдек ер ости сув запасларини аниқлашда янада самарали усул эканлигини уқтириб ўтди. Ҳозирча Афғонистонда, деб давом этди сўзида у, саноат миқёсларида фақат газ, кўмир, тоштуз, лазурит, бошқа баъзи минераллар қазиб олинмоқда. Орбитадан олинган маълумотлар анчагина маблағларни иқтисод қилишга имкон беради. Бу маблағлар илгари геология-қидирув ишлари олиб боришга, геология карталарини тузишга ва бошқа мақсадларга сарфланар эди. (ТАСС).

ПНОМПЕНЬ:

ХАВФСИЗЛИК ЙЎЛИДА

Бу ерда «Кампучияда миллий яраш, Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва ҳамкорлик учун» шиори остида ўтказилган халқаро конференция тугади. Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг ташаббуси билан уюштирилган конференцияда жаҳондаги турли мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқи делегациялари қатнашди.

Конференция ахборотида Кампучия муаммосини тинч йўл билан бартараф этиш борасида КХР олға сурган программа қўллаб-қувватланади. Мамлакатда Пол Пот жиноий тўдасининг яна ҳокимият тепасига келишига йўл қўймаслик — КХР ҳукуматининг доимий вазифасидир. Бу муддаони Жанубий-Шарқий Осиёда кескинлик манбаи, деб билмаслик керак. Аксинча, ҳужжатда қайд этиб ўтилганидек, Вьетнам кўнгиллиларини Кампучиядан олиб чиқиб кетиш режаси ВСР билан КХРнинг холис ниятда эканликларидан, уларнинг можарони бартараф этишга конкрет ҳисса қўшаётганликларидан далолат беради. Конференция қатнашчиларининг фикрича, Боғотдаги музокаралар бошлаб берган жараён Ҳинди-Хитой мамлакатлари билан АСЕАН ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашади, планетанинг шу районини ядро қуролидан холи бўлган тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантиришга ёрдам беради. Конференция қатнашчилари Жанубий-Шарқий Осиёда Американинг ҳарбий базалари тугатилишини ёқлаб фикр билдирдилар.

Ҳужжатда СССРнинг Осиё — Тинч океан регионида мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликка эришишни кўзда тутувчи таклифлари юксак баҳоланади.

(ТАСС, 8 август).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

✦ НИКОСИЯ. Эрон БМТ Бош секретари Эрон-Ироқ фронтида ўт очиш тўхтатилишини дарҳол эълон қилиши ва шундан сўнг БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 598-резолюциясида кўзда тутилган бошқа қоидаларни амалга оширишга киришиш мумкинлигини айтди. Теҳрон радиоси эшиттирган расмий баёнотда Эрон БМТ Бош секретари раҳбарлигида Ироқ билан бевосита музокаралар олиб боришга тайёр эканлиги уқтирилади.

✦ АММОН

Иордания Фаластин Озодлик ташкилотини фаластинлик араб халқининг бирдан-бир қонуний вакили, деб билади ҳамда Фот Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиши керак, деб ҳисоблайди, деди Иордания қироли Хусайн бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида. У ўзининг мамлакати агар қувғинликдаги Фаластин ҳукумати тузилган тақдирда уни ҳеч иккиланмай тан олажагини таъкидлади. Иордания давлатининг бошлиғи кейинги вақтларда у босиб олинган араб территорияларига нисбатан кўрган чоралар араб мамлакатларининг олий даражадаги ҳангашлари резолюцияларига мувофиқ амалга оширилганлигини уқтирди. Бу чоралар, деб таъкидлади Хусайн, Иорданиянинг Фаластин халқи олдидаги ўз мажбуриятларидан асло воз кечишини билдирмайди. Иордания фаластинликлар мустақил давлатини ташкил этгунига қадар унга бутун чоралар билан мадад бераверади. Иордания қироли Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш жараёнида СССР билан АҚШнинг иштирок этишини қўллаб-қувватлаб гапирди.

Олий лигага бериладиган йўлланмаларга даъвогарлик қилаётган коллективлар бу турда қандай иштирок этишди? Ростов армиячилари мағлубиятга учраб, еттинчи ўринга тушиб кетишди. Аксинча, Москва армиячилари ва «Гурия» футболчилари навбатдаги икки очкони қўлга киритиб, юқорига кўтарилдилар.

Тошкентлик пахтакорчилар ҳисобот турида Тюменнинг «Геолог» командасини қабул қилишди. Иккала коллектив турнир жадвалида ёнма-ён. Шу боисдан уларнинг беллашуви шиддатли ўтди. «Звезда» билан учрашувда майдон эгалари анчагина хотиржамлик билан ҳаракат қилишгани эсимизда. Ҳаттоки, қулай имкониятлар фойдаланилмади, бир очко меҳмонга «ҳадя» этилди. Тюмень футболчилари билан ўйинда эса пахтакорчилар ўз устозларининг кўрсатмаларини аниқ бажаришга интилганликлари кўзга ташланди.

Биринчи бўлимнинг 37-минутида меҳмонлар ҳисобини очишди. 45-минутда эса пахтакорчи Михель ҳисобини тенглаштирди. Иккинчи бўлим айниқса ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди. Ҳужум чизиғида ҳаракат қилган О. Синелобов ва ярим ҳимоячи В. Постнов ўйинни жонлантиришди. 71-минутда ишқибозлар оёққа туришди. О. Синелобов жарима тўпини моҳирлик билан тепдики, меҳмонларнинг дарвозабони Ю. Прохоров тўпни қўлдан чиқариб юборди. Қулай имконият юзага келди... А. Михель ундан усталик билан фойдаланди. Ҳисоб 2:1 — майдон эгалари олдинда. Ўйин охиригача бу натижа ўзгармади. Пахтакорчилар 26 очко тўплаб, сафар ўйинларига отландилар.

«Пахтакор» навбатдаги икки учрашувни меҳмонда — Москвада, Марказий армия спорт клуби ва Кемеровода «Кузбасс» билан ўтказади. Икки ўйин натижаси пахтакорчиларнинг турнир жадвалидаги ўринларига таъсир этиши турган гап.

Чиндан ҳам 24-тур ўйинлари майдон эгалари устунлигида бўлди. Ўтказилган 11 учрашувнинг 10 тасида улар ғалаба қозонишди. Кейинги турда бу соҳада кўрсаткич қандай бўларкин? Сабаб шундаки, пешқадамларнинг аксарияти 25-турда ўйинларни меҳмонда ўтказадилар.

Редактор ўринбосари
Т. НАЖМИДДИНОВ.

• Ҳажв бурчаги

Хуррак қурбони

МИНИ ФЕЛЬЕТОН

Кўчада мунғайиб борардим Эшмат,
Бирдан йўлин тўсиб, кўришди Тошмат.
— Хўш, қовоқ-тумшуғинг нега осиғлиқ!
— Хизматдан бўшатиб юборди Бошлиқ!
— Ҳей, оғайни, тез айт, нима гап ўзи,
Унақа Бошлиқмас бизнинг Шеркўзи!
У билан сен эдинг ҳўп апоқ-чапоқ,
Нега энди дейсан: иш бўлди чатоқ!
Ахир, ўтирардинг икков бир жойда,
Бирга ишлаб, бирга топардинг фойда...
Нечук жазм этди сени ҳайдашга,
Бирон сабаб бордир бу чигал ишга!
— Сабаби... — ўланди Эшмат сал фурсат,
Майли айтай (рост гап, кучингни кўрсат!)
Кундуз икков бир оз мизғиб олардик,
Сўнг уйғониб, ишни бошлаб қолардик.
Кеча десанг билмай отибман хуррак
Уйғотиб юбордим Бошлиқни, демак.
Мана, энди қўлга тегиб паттамиз,
Иш излайман... Бошқа бўлар Каттамиз!..

Бўри билан Қўчқор

МАСАЛ

Урмонда дув-дув гап: Бўри безори,
(Ҳаммага етарди унинг озори...)
Устидан ўртоқлик суди бўлармиш,
Бежиз айтилмаган — қилмиш-қидирмиш...
Отининг қашқасидай таниғлик Бўри,
Ким унга гапирса қурийди шўри!
Ниҳоят, бошланди ўртоқлик суди,
— Жазосиз қолмасин! — Айиқбой деди —
Безори, ичади, ҳеч кимга кун йўқ,
Жанжалкаш, муштлашар, урар яна дўқ!
Таклифим шу: керак Урмондан қувмоқ!
— Тўғри! — деди Тулки, шошмайлик, бироқ!
— Ҳамма нарса равшан! — Қичқирди кимдир,
Овчиларга тутиб бермоқ керакдир!
Мажлис ранси Шер ўрнидан турди,
Ғазаб билан бошин у томон бурди:
— Аллақачон бўлар берсам таъзиринг,
Аммо бирон жиндор демай қолди ғинг!
Қарор шу: терингни шиламиз, ифлос!
Сендан Урмон мутлақ бўлсин-да халос!..
— Тўхтанглар! Менда бир бошқа таклиф бор! —
Сўз олди ўрмонда меҳмон бир Қўчқор.
— Бўри — эртакларнинг зўр қаҳрамони,
Қўзиларим жуда севади уни...
Илтимос, кафилга беринглар менга,
Қилмишини ташлайди — озодлик унга!
Бир куни тун эди. Бўри бойвачча:
Режасин битирди то тонг отгунча:
Қўйхонага кирди енгин шимариб,
Уша дўст Қўчқорни кетди ўмариб!
Ҳа, ибрат бўлмасин сенга шу Қўчқор,
Уйлаб, билиб иш қил —бўлгин тадбиркор!..

Кампирнинг ҳийласи

Икки қўшни кампир — жуда аломат,
Бири Кароматдир, бири Саломат.
Тез-тез учрашади, суҳбат қуришар,
Гоҳо жуда аҳил ,гоҳо урншар...
Қисқаси, кўп йиллар яшар саломат.
Бугун қўшни уйга чиқди Каромат.
Қараса чой ичиб ўтирар кампир,
Томорқада кетмон чопарди Амир...
— Вой товба, ўғлингни ялк бор кўришим,
Қўлида кетмону, эгнида иш шим...
Қаёқдан кун чиқди, сирин айтиб бер,
Ноқобилинг нечук ишлар тўкиб тер!!
— Йўлин топдим... — кампир керилиб деди, —
Картошкани қазиш жа зарур эди!
Айтувдим ўғлимга бузмади пинак,
Бир ҳийла ишлатмоқ лозимдир, демак!
Ўғлимни мақтадим ошиб-тошириб,
Дедим: кўмиб қўйдим сендан яширib
Яримта ўлгурни томорқамизга,
— Қаерга!! — жонланди у, — керак бизга!
— Картошка пайкалга. Аста қазиб ол —
Ишга тушди бошқа бермайин савол!
Шиша сиимасин деб қазяпти аста,
Картошка бир қопдан ошди бир пасда!..

Тарки одат...

Нима бўлиб қўшним уйига бир кун,
Кириб, тўхтаб қолдим ҳайратдан бутун.
Куппа-кундузи денг қўшним Мирараб,
Ухлаб ётар эди — милтиқ қучоқлаб...
Таажжубим кўриб жилмайди Бека:
— Айбга буюрманг, одат-да, ака!
Биласиз, Хўжайин тунда қоровул,
Уйда ҳам бемилтиқ, ухлай олмас ул!
Тарки одат — амри маҳол демишлар,
Шунга ўрганганлар, шундай у ишлар!...

Икки сотувчи

ҲАЖИЛ

Бизнинг Шарқ бозори машҳур оламга,
Бунда иш топилар ҳар бир одамга!
Мана, кенг растада ҳамма нарса бор.
Бир Бобой сотарди олмаю-анор.
Тўғри, меволарнинг нархи осмонда,
Бир Рассом шошилиб келди шу онда.
У Бобойдан нархни билмоқчи бўлди,
Сўнг мевадан харид қилмоқчи бўлди.
Аммо келишолмай икков баҳода,
Рассом қўл силтади. Сўнг шу аснода
Елкага осилган яшигини очиб,
Чол ёнида, турли бўёғини сочиб,
Олмаю-анорнинг сувратин солди,
Зум ўтмай сурат ҳам тугади қолди...
Рассом пештахтага сувратин осиб,
Остига «Ўттиз сўм» деб қўйди ёзиб...
Мана, бирга турар икки Сотувчи,
Энди икков кутар: — Кеп қол Олувчи!..

Сами АБДУҚАҲҲОР.

ЯНГИ ХОДИМ

Владимир ГРЕЧАНИКОВ.

Бўлимимизга янги ходим келди. У ҳаммамиз билан қонун-қоидали қилиб саломлашди, ўзини таништи, кейин қоғозларини столга қўйди-да ишни бошлаб юборди. Шу ўтирганча бошини кўтармади. Жим. Бизлар ҳам жим ўтирибмиз-у ўзимизча ўйлай бошладик: «Қизиқ, бу янги ходим қанақа одам? У бу ҳолда қандай қилиб бизлар билан ишлаб кетаркин?»

Гапни биринчи бўлиб, ашаддий футбол ишқибози Воробеев бошлади:

— Кеча бизларники ўн еттинчи минутда-а, ҳалигидай, хўш сизлар нима дейсизлар, — деди у «янги»дан кўзини узмасдан.

Янги ходим эса ён дафтарини олиб, унга нималарнидир ёзарди. Қизиғи, бир оғиз гапирмасди.

Шундан сўнг Сидоренко гап қотди:

— Ўтган ҳафтада бир жойни топдим. Ана қўзиқорин-у, мана қўзиқорин. Бамисоли уни чалғи билан ўриб олиш мумкин, — деди-да, янги ҳамкасбига қараб қўйди.

У эса «Искра» калькуляторини электрга улаб, ҳисобчўт қилишга тушди. Яна сукунат.

Қилар ишимиз йўқ. Комаровни гапга қайрадик.

— Тўғри-да, янги созланган карбюратор ёнилғи сарфини 20 процент, тутун чиқаришни 50 процент камайтиришга олиб келаркан, — деди Комаров.

Янги ходим жимгина миллиметровкани олиб, қандайдир график туза бошлади.

Комаровнинг тоқати-тоқ бўлди ва ўзини тутолмай овозининг борича:

— Шундай қилиб, биз ғоятда катта иқтисодий тежамкорликка эришиб, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаб қоларканмиз, — деди «янги» га мурожаат қилгандай. Қалай?

Янги ходим эса пинагини ҳам бузмасди.

Комаровнинг юзидан қони қочиб, оқариб кетди. Кутилмаганда ўрнидан турди-да тез хонадан чиқди. Бизлар ҳам унинг кетидан ташқарига йўл олдик. Табиатимиз бузилганча чекишиб турардик.

— Бу қанақа одам ўзи? — деди Комаров қўлларини пахса қилиб. — Уни ҳеч нарса қизиқтирмайди, ҳеч нарса билан иши йўқ. Иқтисоду экология ҳам унга бир пул.

— Табиатни севмас экан, кўриниб турибди, бу ҳақ гап, — деди Сидоренко.

— Спортчиларимизнинг аҳволи ҳам уни қизиқтирмайди, — деди Воробеев унинг гапига қўшилиб.

— Унинг ҳеч нарса билан иши йўқ, бу нарсалар кўнглини ҳам ғаш қилмайди, — деди ачиниб Комаров.

— У бўлимингга ҳам тупурди! Билмадим, сизлар қандай қарайсизлар-у мен эса у билан ишлай олмайман. Ҳақ гап!

— Мен ҳам, — деди Сидоренко.

— Мен ҳам, — деди уни маъқуллаб Воробеев.

Шу пайт бошлиқ келиб қолди:

— Хўш, янги ходим қалай? Ишлаб кета оласизларми?

— И-ўў-ўқ, — дедик бараварига.— У ўзини кўрсата олмади, одамийлик фазилатларини кўрмадик. Ўйлаймизки, у билан ишлай олмайдиган кўринамиз.

Шундай бўлиб чиқди.

Ҳозир учаламиз ҳам бошқа жойларда ишлаб юрибмиз.

Тожибой УНАБОЕВ таржимаси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг
ЎРТА ОСИЁ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ
1988-1989 ўқув йили учун
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига корхона, колхоз, совхоз ва СССР Қуролли Кучлари сафидан озод қилинган, хизмат даврида юқори кўрсаткичларга эришган корхона, қурилиш, транспорт, алоқа, колхоз, совхоз, шифохоналар, ҳарбий қисмлар томонидан берилган йўлланмаси бўлган ва ўрта маълумотга эга бўлган шахслар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун бериладиган йўлланма кириш давригача иш стажи корхонада узлуксиз икки йилдан, шифохоналарда ишлаганларга кундузги бўлим учун икки йилдан кам бўлмаган шахсларга берилиши керак (ўқувчи сифатидаги иш вақти тайёрлов бўлимига кириш стажига қўшилмайди).

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсия қилинган колхозчилар, колхоз томонидан колхозчи учун белгиланган ҳар йиллик иш минимумини бажарган бўлишлари шарт.

Ўрта мактабни бу йил битирганлар иш стажига эга бўлсалар ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайдилар.

Кирувчилар тайёрлов бўлимига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ариза, йўлланма (иш жойидан стипендия тўлаш ёки тўланмаслигига қараб форма №2 ёки 1, 3), ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан характеристика (армияда хизмат қилиб, бўшаганлардан хизмат қилган қисмларидан) берилган вақти кўрсатилиши шарт, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма, ҳозиргача ишлаши ҳақида ва берилган вақти, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат (бош кийимсиз; 3х4 см. катталикда).

АРИЗАЛАР КУНДУЗГИ БЎЛИМГА КИРУВЧИЛАРДАН 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Суҳбат химия ва биология фанларидан 11 ноябрдан 24 ноябргача ўтказилади.

Тайёрлов бўлимига қабул қилиш 25 ноябрдан 30 ноябргача давом этади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИДА ЎҚИШ 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимини тугатганлар, ҳамда имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар институтнинг 1 курсига кириш имтиҳонисиз қабул қилинади. Тайёрлов бўлимига қабул қилинганлар 40 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. Бошқа шаҳардан келган талабалар институт томонидан ётоқхона билан таъминланадилар.

Қуйидаги адрес бўйича мурожаат қилинг, 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй,(19, 156, 165-автобуслар; 10, 152, 153-маршрут таксиларнинг «САМПИ» бекати). Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
1988 йил учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаштириш — **кундузги, сиртқи;**
қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни электрлаштириш — **кундузги; сиртқи;**
гидротехник қурилмалар — **кундузги, сиртқи;**
қурилиш ишлаб чиқариши технологияси ва қурилишни ташкил этиш — **сиртқи;**
полимерлар физикаси ва механикаси — **кундузги;**
автомобиль ва тракторлар — **кундузги;**
ҳисоблаш техникасининг элементлари ва тузилиши — **кундузги;**
гидравлика ва инженерлик гидрологияси — **кундузги;**
электротехниканинг назарий асослари — **кундузги;**
мелиорация ва суғориладиган деҳқончилик — **кундузги;**

АСПИРАНТУРАГА КИРУВЧИЛАР МАХСУС ФАНДАН, МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ВА ЧЕТ ТИЛЛАРНИНГ БИРИДАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОГРАММАСИ ҲАЖМИДА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТОПШИРАДИЛАР.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги ариза институт ректори номига ёзилиб, қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: нотариус томонидан тасдиқланган диплом копияси; зачёт ведомостидан кўчирма; сўнгги иш жойидан характеристика, автобиография, кадрлар ҳисоби бўйича шахсий варақа, 6х9 см ҳажмида ва 3х4 см ҳажмида учтадан фотосурат, эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, кашфиётлар тўғрисида маълумот, эълон қилинган ишлари бўлмаган кишилар танлаган мутахассисликлари бўйича рефератлар (илмий докладлар) топширадилар, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, аспирантурада ўқиши мумкинлиги тўғрисида медицина справкаси (086/У форма), ойлик иш ҳақи тўғрисидаги справка.

Кириш имтиҳонларига рухсат берилганлар учун иш жойидан меҳнат ҳақи сақланган 30 календарь иш куни ҳисобида отпуска берилади. Отпускага иш жойидан олий ўқув юртига бориш ва қайтиш учун иш ҳақисиз қўшимча вақт ҳам берилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1988 ЙИЛ 30 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй, аспирантура бўлими.

СИРТДАН ЎҚУВЧИ СТУДЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг
САНОАТ-ГРАЖДАН ҚУРИЛИШИ КЕЧКИ-СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТИ

саноат-граждан қурилиши ихтисоси бўйича сиртдан таълим олаётган студентлар учун белгиланган сессияларни ўтказади:

— VI КУРСЛАР УЧУН — **17 сентябрдан 24 сентябргача;**

— V КУРСЛАР УЧУН — **19 сентябрдан 24 сентябрга ча.**

— IV КУРСЛАР УЧУН — **26 сентябрдан 1 октябргача.**

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда автотранспорт факультети деканати, «Металлар технологияси» кафедраси коллективлари «Металлар технологияси» кафедрасининг мудири доцент И. Н. Носировга онаси

Мастура ҚОБУЛЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке

Редакция адреси:
700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

МАЙДОН ЭГАЛАРИ УСТУНЛИГИДА

Футбол

Биринчи лига, 24-тур ўйинлари натижаси:
«Заря» — «Таврия» — 2:0.
«Ростсельмаш» — «Шинник» — 2:1.
«Динамо» (Бт) — «Спартак» — 1:0.
«Гурия» — «Динамо» (Ст) — 2:1.
«Металлург» — «Кузбасс» — 1:0.
«Пахтакор» — «Геолог» — 2:1.
«Помир» — «Звезда» — 4:1.
«Котайк» — СКА — 3:1.
«Кубань» — «Ротор» — 1:0.
«Даугава» — СКА «Карпати» — 2:1.
«Колос» — ЦСКА — 0:3.

Иккинчи давранинг икки тур ўйинлари бўлиб ўтди. 23-турда дарвозаларга жами 24 тўп йўлланди. 24-турда эса ҳужумчилар дарвозабонларни 29 марта тўпни тўрдан олиб чиқишга мажбур этдилар. Демак, футболчилар кейинги турда авваргига нисбатан 5 тўпга ўзиб кетишди. Замонавий футболда ҳужумкорликни ўрнига қўйиб, дарвозани аниқ нишонга олиш катта аҳамиятга эга эканлигини биринчи лига вакиллари ҳам исботлашмоқда.

Турнир пешқадами «Помир» футболчилари ўйинида ҳужумкорлик ҳислатлари яққол сезилаётир. Тожикистон футболчилари навбатдаги турда «Звезда» командасини қабул қилишди. Ўйин 4:1 ҳисобида майдон эгалари ғалабаси билан тугади. Карвонбоши бу ғалаба билан ўз мавқеларини янада мустаҳкамлади. Помирчилар ҳисобида 37 очко бор.

Иккинчи ўринда келаётган Ставрополь динамочиларининг омади яна юришмади. Улар «Гурия» меҳмони бўлиб, ўйинни бой бердилар. «Гурия» 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

● Тингланг, томоша қилинг

9 АВГУСТ, СЕШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МТ-I. 7.00 — «120 минут». 9.05 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 6-серия — «Синьора Верди». 7-серия. «Машаққатли йиллар». 16.00 — Янгиликлар. 16.10 — Қувноқ стартлар. 16.50 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 17.10 — Рақс композицияларини Дурга Лал группаси ижро этади. 17.50 — Шеърият лаҳзалари. 17.55 — Болалар учун фильм. 19.00 — Шахмат. СССР чемпионатида. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Инсон ва қонун. 20.05 — Катталар учун мультфильм. 20.15 — «Жузеппе Верди». Бадиий фильм. 7-серия — «Машаққатли йиллар». 21.30 — Время. 22.00 — Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 23.30 — Сизни Людмила Сенчина таклиф этади.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 9.40 — Илмий-оммабоп фильм. 10.00 — Француз тили. 10.30 — Мультфильмлар. 11.00 — Рассом устахонасида. 11.20 — Шаҳарлар ва йиллар. 12.20 — Болалар учун фильм. 13.25 — Француз тили. 13.55 — Янгиликлар. 14.05 — «Оловли йўллар». Бадиий фильм. 9-серия. 16.35 — Янгиликлар. 18.45 — Музикали киоск. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — РСФСР халқ артисти Р. Ибрагимов концерти. 20.25 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.40 — Ҳужжатли фильмлар. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Жальгирис». 23.50 — Янгиликлар.

УзТВ.I. 15.00 — Телефильм. 15.10 — «Инсон қиёфасини ўзгартиради». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Пионерлар мамлакатида. 19.00 — «Варбод бўлган экспедиция». Бадиий фильм 2-серия. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50—Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Барҳаёт наволар. 23.00 — Бугун оламда нима гап? 23.15 — Ҳужжатли фильм.

УзТВ.II. 19.45 — «Ўн уч терак кўчаси». Бадиий фильм. 21.00 — Маданиятимиз тарихидан. **Фрунзе.** 21.30 — Время. 22.00 — Сабзавот конвейери-88 22.10 — «Ой тутилган тунда». Бадиий фильм.

РАДИО

Биринчи программа. 8.30 — Қўшиғимиз, Сизга армуғон. 9.30—Д. Соатқулов. «Фарғона квартети». 9.45 — Катталарга болалар ҳақида. 12.10—Ишчинома. 12.30 — Адабий ўқиш. 13.00—Ўзбекистон чорвадори. 13.30—С. Намин рақбарлигидаги ансамбль ижро этади. 14.00—Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.30—Болалар шеърияти альбоми. 15.50—Партиявий иш: шакл ва услубларнинг янгиланиши. 18.15—СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганлигининг йиллигига. А. Мухторов. Дўстлигимиз мустаҳкамланаверсин. 18.30—Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар. 19.20 — Фонотекамиз хазинасидан. 19.50 — Халқаро кундалик. 21.00—Қармоқ. 21.20— Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.45—Музикали драмалардан парчалар. 23.00 —Оқимом тўлқинларида.

Р. — 10889. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. А. — 181. ИНДЕКС 64583.